



Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияга дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

26  
(771)-son

29-iyun

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

## ● Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! ●

Европа Иттифоқи янги қонунни кучга киритишга розилик берди. Унга кўра, мобил телефонлари учун телесигналнинг умумевропа стандарти ўрнатилади. Бунинг учун қатор телекоммуникация корпорациялари томонидан ишлаб чиқилган GB h технологияси танланди.

Келгуси йилдан ушбу технология асосида муҳим спорт мусобақалари европаликлар мобил телефонларига трансляция қилина бошланади.



## Ушбу сонда:

РЧС: КЎЗГА  
КЎРИНМАЙДИГАН  
ТАБИЙ РЕСУРС

2-БЕТ ➡

АЙБДОРЛАР  
ЖАЗОСИЗ  
ҚОЛМАЙДИ

4-БЕТ ➡

МОБИЛЬНАЯ  
СВЯЗЬ

6-БЕТ ➡

ТУНИС  
ПОЧТАСИ

11-БЕТ ➡

АЛЛО,  
АССАЛОМУ  
АЛАЙКУМ...

16-БЕТ ➡

## IP-ТЕЛЕФОНИЯ: МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Интернет тармоғи инсон дунёқарашини ўзгартириб юбораётир. У кундалик ҳаётимизга ўзи билан биргаликда кўп ижобий афзалликларни ҳам олиб келмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам интернетнинг жадал ривожланиши кузатиляпти. IP-телефониянинг вужудга келиши ва унинг оммавийлашиб бориши ҳам ана шундай ривожланиш натижасидир.



INTERNET

3-БЕТ ➡

## JUMADAN — JUMAGACHA

## SEMINAR

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 21 июн куни Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.**

Юртбошимиз дастлаб Наманган аэропортида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди. Сўнгра Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиалида бўлиб, олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди.

Президентимиз Ислам Каримов Наманган шаҳридаги "Saydapa" тиббиёт маркази фаолияти ва шаҳарнинг "Тинчлик" майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президентимиз Ислам Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Ислам Каримов Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги шийпониди фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Ислам Каримов Балиқчи туманидаги Алишер Навоий акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди. Ишчилар билан суҳбат асосида уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Бобур номидаги вилоят мусикали драма театрини ҳам кўздан кечирди, театр жамоаси билан мулоқотда бўлди.

✓ Матбуотда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига" табриги чоп этилди.

✓ **Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг фавв журналисти" кўриқ-танловининг натижалари эълон қилинди. Ғолибларга совринлар топширилди.**

✓ Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди.

✓ **Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислам Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазир Мухаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 26 июн куни "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.**

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOICA вакиллари билан мазкур академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

✓ **21 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги ва "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Шундан сўнг Қонунчилик палатаси мазкур ҳужжатларни янада тақомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунларни қабул қилди.**

UZINFkCkM марказида "Сирдарё вилояти давлат органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш" мавзусида семинар ўтказилди. Унда давлат бошқаруви органлари вакиллари, ўз муассасаларида АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга масъул бўлган мутахассислар иштирок этишди.



Сирдарё вилояти давлат органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш бўйича пилот лойиҳа икки йил давомида амалга оширилди. Лойиҳа ижрочилари — вилоят ҳокимлиги, "Сирдарё Телеком"

## СИРДАРЁДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ


филиали ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. Молиявий таъминлаш БМТ Ривожланиш Дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳасини амалга ошириш доирасида бажарилди. Ахборот-коммуникация ускуналари ва компьютер техникаси Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан тақдим этилди. Лойиҳа Россиянинг «Техносерв А/С» компанияси томонидан амалга оширилди.

Пилот лойиҳаи бажариш натижасида Сирдарё вилоятида давлат органлари, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида электрон маълумотларни айирбошлаш йўлга қўйилди, вилоят электрон портали яратилиб, АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга масъул бўлган раҳбар ва мутахассислар ўқитилди.

Семинарда пилот лойиҳаси бажарилиши яқунлари, унинг амалга оширилиши давомида юзага келган муаммолар муҳокама қилиниб, бошқа вилоятларда ҳам электрон ҳужжат айланиши тизимини татбиқ этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, семинар давомида маърузалар ўқилиб, "Электрон ҳужжат айланиши тизимида ахборотни ҳимоя қилишда электрон рақамли имзони қўллаш ёчими" мавзусида тақдирот ўтказилди.

## РЧС: КЎЗГА КЎРИНМАЙДИГАН ТАБИИЙ РЕСУРС

Ҳозирги кунда барча мамлакатларда радиоэлектрон воситалар (РЭВ) кенг қўлланилмоқда. РЭВлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмаган бирон бир ривожланган мамлакатни топиш қийин. РЭВларга — бир ёки бир неча радиотўловчи ёки радио қабул қилувчи қурилмалар ва ёрдамчи ускуналардан иборат бўлган, радиоалоқа, радионавигация, радиолокация, механизм ҳамда яхлит комплексларнинг телебошқаруви, коинот, ер, ерости, океан, атмосфера ва ҳоказоларни тадқиқ қилишга хизмат қиладиган техник воситалар деб тариф берса бўлади.



РЭВларнинг ишлаш муҳити радиочастота спекторидир (РЧС). РЧС кўзга кўринмайдиган, сезилмайдиган, ҳид таратмайдиган табиий ресурс, жазон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири — электралоқа соҳасининг асоси ҳисобланади. РЧС ресурс сифатида ўзига хос хусусиятга эга, у вақт бўйича эмас, балки ҳажми бўйича чегараланган. Шунинг учун ундан фойдаланишни режалаштириш осон, аммо самарали фойдаланишни шакллантириш мураккаб масала.

• Турли давлатларда фойдаланишга яроқли частота ресурсининг ҳажми турлича. Фойдаланилаётган РЭВларнинг электромагнит мослашувини сақлаш зарурлиги сабабли ҳеч бир мамлакатда РЧСдан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Ҳатто бошқа давлатлардан алоҳида бўлган орол давлатларда ҳам радиостанцияларни ҳам частотаси бўйича, ҳам макони бўйича тарқоқ ҳолда жойлаштириш талаб қилинадики, бу табиий фойдаланишга яроқли потенциал частота ресурсини камайтиради. Агар давлат бошқа давлатлар билан чегарадор бўлса, у ҳолда бир давлатнинг радиотўловчи воситаларидан тарқалаётган радиотўлқинлар бошқа давлат ҳудудига етиб борадиган, радиоэлектрон во-

ситалар учун ўзаро радиоҳалакатлар юзага келиши мумкин бўлган чегарадор ҳудудларда частоталар поласини шундай бўлишга тўғри келадикки, частоталарнинг бир қисмидан бир давлат, қолган қисмидан бошқа чегарадор давлатлар фойдалана оладилар.

РЧС турли радиоҳизматлар ўртасида ё алоҳида, ё умумий асосда бўлинади. Халқаро даражада бундай тақсимлаш Умумжаҳон радиоалоқа конференцияси томонидан бошқариладиган Радиоалоқа регламентининг 5-моддасида келтирилади. Мазкур частоталарни тақсимлаш Халқаро жадвалга асосан маъмурийлар частоталарни тақсимлаш миллий жадвалини тузишлари, радиоҳизматларга частоталар поласини тақсимлашлари ва муайян тизимлардан фойдаланиш учун рухсатнома беришлари мумкин.

Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭАИ) халқаро спектри тақсимлаш ва спектрдан фойдаланишни бошқаришга тааллуқли умумий қоидаларни ва низомиларни белгиланган. Мазкур маълумотлар ХЭАИ томонидан эълон қилинадиган Радиоалоқа регламентидида мавжуд. Ҳар бир ХЭАИга аъзо давлат ушбу халқаро белгилловчи низомиларни инобатга олиб, ўзларининг

қонун ҳужжатларини ва радиоалоқанинг миллий инфратузилмасини ташкил этиш ва унинг мақсадларига эришиш учун тегишли қоидалари ва белгилловчи низомиларини яратадилар. Қоидаларнинг мақсади маъмурий бошқариш функцияларини бажариш учун зарурий тузилмани таъминлаш ва РЧСдан фойдаланишни бошқариш жараёнида қоидаларга риоя этилишини назорат қилишдир. Белгилловчи низомилар ускунадан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш жараёни, шу билан бирга, спецификациялар ва узатгичлар таъсирлари учун стандартларни ўз ичига олади.

РЧС ҳажми бўйича чегараланган ресурс бўлганилиги, хусусий фойдаланувчилар каби давлат тизими фойдаланувчиларининг ҳам эҳтиёжлари ўсиб бораётганилиги сабабли аниқ хизмат ва тизимларга частоталарни шундай тақсимлаш зарурки, бунда энг кўп сонли фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилиши таъминланиши керак. Ушбу механизм частоталарни мувофиқлаштириш жараёни ёрдамида амалга оширилади.

Частоталарни мувофиқлаштириш тизим учун мавжуд бошқа тизимларга радиоҳалакатларни юзага келтирмайдиган частоталарни танлаш жараёнидан бошланади. Кейин тегишли манфаатдор томонлар билан бундай ахборотни алмашиш ёки «мувофиқлаштириш» мумкин. Мазкур жараёнинг мақсади — алоқа тизимларидан фойдаланилганда улар ўртасидаги радиоҳалакатларни камайтиришда частоталардан кўп марта фойдаланиш имкониятини максимал даражада оширишдир.

**А.АРИФБАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурдаги  
Давлат ва жамият қурилиш  
академияси тингловчиси

(Давоми. Бошланиши I-бетда.)

Биринчи бўлиб АКШ университетларидан бирида пайдо бўлган бу технологиянинг кейинчалик бунчалик оммалашиб кетишига ҳеч ким ишонмаган эди. Ҳозирги кунда интернет-телефониядан миллионлаб одамлар фойдаланмоқда. Skype, Yahoo MSN, Google Talk каби дастурларни интернет тармоғидан юклаган ҳолда дунёнинг исталган бурчагидаги инсонлар билан суҳбатлашиш имкони туғилди.

Шахсий компьютер (ШК) орқали товушни тармоқ бўйлаб юбориш тамойили АКШнинг Иллинойс штатида пайдо бўлган, деган қарашлар мавжуд. 1993 йили Чарли Кляйн ШК ёрдамида товушни тармоқ бўйлаб жўнатишнинг илк дастурий таъминоти яратди ва уни «Maven» деб номлайди. Бир вақтнинг ўзida Корнел университетидан CU-SeeMe видео-конференция дастури Macintosh (Mac) компьютерлари учун мўлжалланган мультимедиа дастури сифатида яратилди.

1994 йилнинг апрел ойида NASA томонидан Endeavor космик аппарати учинчи давомида унинг тасвири Erga CU-SeeMe дастури ёрдамида жўнатилади. Бир вақтнинг ўзida Maven дастуридан фойдаланилган ҳолда овоз ҳам юборилди. Лоис илмий текшириш марказининг Mac компьютерларига сигнал келиб тушади, у интернет билан улангани тўғрйли, хоҳлаган киши астронавтиларнинг овозини эшитиш имкониятига эга бўлганлар. Кейинчалик иккала дастурининг қўйилиши натижасида CU-SeeMe дастури янги шакли — видео ва аудио функциясига эга бўлган дастур яратилди. Бу дастурдан Mac компьютерларида ҳамда ШКларда фойдаланиш мумкин бўлди.

1995 йил февралда Исроилнинг VocaTec компанияси Internet Phoningнинг илк дастурини тақдир қилди. Дастур Windows амалиёт тизимида ишлайдиган ва мультимедиа ШКга эга бўлган кишиларга мўлжалланган эди. Бу — интернет-телефониянинг тараққиётида муҳим из қолдирди. VocaTec томонидан қизқишлари бир-бирига яқин кишиларнинг икки томонлама суҳбатлашишлари учун Internet Relay Chat (IRC) машхур (матли) каналлари ишлатишга умид қилинган эди. Аммо IRCни бошқараётган Eris Free Network (EFNet) билан боғланиш ва траффикнинг қўлайлиги эҳтимоли ҳақида ахборот бериш имкониятига эга бўлинмади ҳамда улар ўртасида баъзи келишмовчиликлар юзага келди. Шунинг учун Internet Phone оммавий каналлардан фойдаланиш учун ёпиб қўйилди. Бир неча ҳафтадан сўнг VocaTec компанияси EFNet билан келишмовчиликни бартараф этди. Бу даврда сервер Internet Phoning хусусий тармоғи яратилди ва VocaTec Web саҳифасидан минглаб ки-

## AXBOROTLASHTIRISH TIZIMI

шилар дастури ишга тушириб, фойдалана бошлади.

1995 йилнинг ўзida бошқа компаниялар томонидан IP-телефония истиқболли лойиҳа бўлгани тўғрйли юқори баҳоланди, чунки бу хизмат яримшарнинг турли бурчагидан туриб, халқаро алоқага ҳақ

бўлиб, Dialogic товуш платаларини оддий телефон линиялари орқали ишлатиш учун махсуслаштирилган дастур ишлаб чиқилди.

Кўп каналли товуш платалари қуйидаги имкониятларни яратди:

- биринчидан, VTG тизими саккизтага яқин бир-бирига боғлиқ бўлмаган телефон алоқасини интернет тармоғи орқали ўрнатиб беради.

- иккинчидан, манзиллаш муаммосига ҳам барҳам берилади, яъни оддий телефон рақамларини IP-манзилларга ўтириш ва тескари жараёни ўз ичига олади. Бир фойдаланувчига 11 кбит/с (замонавий асбоб-ускуналарда бу тезлик ўзгача

бўлди) полосали канал етарли бўлади. Мана шундай каналларни жиғлаштириш ҳамда алоқанинг арзонлиги телекоммуникация оламида тубдан ўзгаришни юзга келтирди.

Бугунги кунда юзлаб компаниялар IP-телефония тижорат ечимларини тақдир этмоқдалар. Шу билан бирга, аънанавий воситалардан фойдаланиб келаётган йирик телекоммуникация корхоналари ўзларининг «нони»ни яримта қилаётган компаниялардан хавфсизраган ҳолда бу технологияни аста-секинлик билан жорий қила бошлади.

Биргина 1996 йили IP-телефония 997 фоиз ўсди (1.8 млн. АКШ доллари сифатида баҳоланган). 1997 йили асбоб-ускуна ва дастурий таъминот бозори ҳамда IP-телефония хизмати 210 млн. доллар деб баҳоланди. IP-тармоқлар алоқасида телефон ва факс хизматлари даромади 123 млн. доллари ташкил этди.

2006 йили IP-телефония фойдаланувчилари сони 18,7 млн. кишига етди. Япония, Франция ва АКШ VoIP фойдаланувчилари сони бўйича юқори ўринларда туради. Шунингдек, Европанинг бир қанча давлатлари — Германия, Голландия ва Норвегия мамлакатлари ички VoIP бозорини 2005 йилнинг охирида ва ўтган йилнинг бошларида фаол тарзда ривожлантира бошлади.

VoIP-алоқаси фойдаланувчилари 2010 йилга бориб 197,2 млн. кишидан ортади, деган тахминлар мавжуд. Бу эса охириги кўрсаткич — 4,8 млн. кишидан қарийб 40 марта кўп демаскид.

Шоолим ШОМАНСУРОВ,  
ТАТУ талабаси

# IP-ТЕЛЕФОНИЯ: МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



тўламасдан суҳбатлашиш имкониятини пайдо қилган эди. Интернет тармоғи орқали суҳбатлашиш учун дастурий таъминотларнинг жуда кўплаб турлари яратила бошланди. Уша йилнинг сентябр ойида Даллас шаҳридаги кичик бир компания DigiPhone дастури яратди. Бу дастур «дуплекс» алоқани яратиб беради, яъни бир вақтнинг ўзida эшитиш ва гапириш имкониятига эга эди. Натижада абонентларни жалб қиладиган интерактив алоқа яратиш имконияти пайдо бўлди.

1996 йил мартда яна бир унутилмас воқеа юз берди — икки компаниянинг ҳамкорлигида «Internet Telephone Gateway» номли лойиҳа эълон қилинди. Лойиҳанинг мақсади оддий телефон аппаратиинг интернет орқали ишлашини таъминлашдан иборат эди. Бунинг учун интернет тармоғи ва умумий фойдаланувчилар телефон алоқаси ўртасида махсус шлюз ўрнатилган. Охириги шлюзнинг номи VTG (VocaTec Telephone Gateway)

## ИШТИРОКЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР

«Қашқадарё Телеком» филиалида «Ўзбектелеком» АКга қарашли «Инженер-техник маркази» томонидан «Кабел алоқа линиялари ишончилигини ошириш» мавзусида кўча ўқув курслари ташкил этилди. Унда филиал барча телекоммуникациялар боғламаларининг ҳамда «ЎЗИ-Қарши» филиалининг кабел-пайвандловчилари, электромонтерлари, участка бошқилари иштирок этишди.

Ўқув курси қатнашчиларига ТАТУ ўқитувчиси Раҳимжон Раҳимжонидинов, «Инженер-техник маркази» бош мутахассиси Раҳматулла Шералиев, муҳандис Алексей Хогай ва бошқа малакали мутахассислар магистрал ва тарқаткич кабел линияларининг ишлаш жараёнида ишончилигини ошириш, кабелларга техник хизмат кўрсатиш, магистрал кабелларини қуруқ ҳаво босими остига қўйиш, оптик-толали кабеллар тўғрисида атрофича маълумотлар беришди.

Амалий ва назарий машғулотлар давомида ўқув курси иштирокчилари касбий билим ва маҳоратларини оширдилар.

Иштирокчиларга машғулотлар сўнггида «Ўзбектелеком» АКнинг сертификатлари топширилди.

Рисолат ДАВРОНОВА,  
«Қашқадарё Телеком»  
филиали кадрлар  
бўлими бошлиги

## ТУБСИЗ ЖАР

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-кутубхона марказида «Гибрандлик — тубсиз жарлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни марказ илмий-методик бўлими бошлиги А.Аҳметов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Длекеев, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият маркази бошлиғи ўринбосари Я.Ажамов, 2-психоневрология диспансери шифокори Д.Тоғизбоева, ҳуқуқшунослар Б.Г.Жанабаева, Б.Жумабеовлар сўзга чиқишди.

Мутахассислар давра суҳбати қатнашчилари саволларига батафсил жавоб беришди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ,  
«Хабар»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги муҳбири

## KIBERSPORT

Яқинда Фарғона шаҳридаги «Симус» интернет-кафесида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон бешинчи чемпионатининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ана шу беллашувларни кузатган мухбиримиз ўйинлар ташкилотчиси, «Info.com.uz» журнали таҳрир ҳайъати раиси А.СУЧКОВ билан суҳбатда бўлди.


— Александр Анатольевич, республикамизда бўлиб ўтган кибермусобақалар ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Қолаверса, болаларнинг бир неча соат давомида компьютер ўйинларига берилиб ўтириши унинг соғлиғи, руҳиятига салбий таъсир этмасмикин?

— Аввало шуни айтишим кераки, бу чемпионатда қатнашиш бизда бепул. Чет элларда геймерлар рўйхатдан ўтиши

# КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ ЗАРАРЛИМИ?

учун 15 доллар тўлашади. Аммо бизда ёшра қараб чеклов бор. Counter-Strikeда — 17 ёш. Янги ўйин FIFA Soccer, яъни футбол матчида — 6 ёш. Умуман олганда, чемпионат дастурига ҳар хил ўйинлар — «отишма», спорт ўйинларига ўхшатмалар, стратегиялар киритилган. Ўйинлар бош ҳомийси «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясидир.

Турли шахарларда минтақавий босқичлар ўтказилган. Тошкентда Миллий финал бўлиб ўтди. Республика ғолиблари Сиедта бўлиб ўтадиган Гранд финалга йўлланма олишади. Ўтган йили ғолибларимиз Италиянинг Монца шаҳрида яхши натижаларни кўрсатишган эди.



Компьютер ўйинлари зарарлими, деган саволнингизга келсак, ўзи ўйнамаган, бу ўйиннинг ижобий томонларини ҳис этмаганларгина киберспорт — турган-битгани зарар деб ўйлашади. Бу нотўғри. Агар шундай бўлганида спорт қаторига қўйишмаган бўларди. Футболда ҳам оёқ-қўл синидади. Бокс, каратэ ва бошқа жанговар ку-

рашларда-чи? Уларга таққослаганда, компьютер ўйинлари шахматдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, бу спорт тури — жисмоний чинқишга хизмат қилмайди. Бироқ галаба учун ўйинчи ўз саломатлиғи тўғрисида қайғуриши керак. Бу ўйинларнинг бола ақлининг ривожланишига, уларни фикрлашга ўргатувчи фойдали жиҳатлари кўп...

Need for Speed — яъни «автомобил пойга»сида ўйнаш учун машиналарни яхши билиш, за-

уларнинг заковати келажаги истиқболли эканлигидан дарак бериб турибди. Биласизми, Жанубий Кореяда, агар киши киберспортни севмаслигини айтса борми, депутат бўлолмайди. Киберспорт — миллий даражаларга кўтариб қўйилган. Бизда ҳам киберспортга эътибор бугунгидан ҳам ошишига ишончим қомил. Бугунги ғолибларимиз бир кун келиб, ажаб эмаски, миллий курашимиз тўғрисида, Соҳибқирон Темурнинг душманларга қарши стратегияси, Ибн Сино ҳақида, Хўжа Насриддин сарғузашилари билан боғлиқ компьютер ўйинларини ижод қилишса.

Бироқ, мен компьютер ўйинларининг ҳаммаси фойдали демоқчи эмасман. Зарарлилари, шафқатсизлик ҳалдан ошиб кетган ўйинлар ҳам йўқ эмас. Лекин биз бундай ўйинларни ўйнамаймиз, тарғиб қилмаймиз. Компьютер клубларида шундай ўйинларга йўл қўйилмаслиги учун назорат идораси ташкил этилса, айни мuddао бўларди. Менимча, бу спорт тури яширин эмас, ошқор, тўғри ривожланиши учун ҳар бир вилоятда ўз федерациясини тузиш вақти етди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Хафиза САЛЯХОВА  
суҳбатлашди

## XALQARO HAYOT

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

## ЭРОН ТАШАББУСИ



Эрон ҳукумати Чеченистонни тиклаш ишларига ёрдамга тайёр эканлигини билдирди.

Бу ҳақда Эроннинг Россиядаги элчиси Ғуломризо Ансорий Рамзон Қодиров билан учрашувда маълум қилган. Қодиров мамлакатни тиклашга ушбу ихтиёрий ёрдам учун ҳукумат ўзининг инвестиция лойиҳасини тақдим этишини айтди.

ЭКСПЕРТЛАР  
ШИМОЛИЙ КОРЕЯДА

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) экспертлари Шимолий Корейга ташриф буюришди ва Йонбендаги ядро реакторини кўздан кечиришди.

Хорижлик ушбу кузатувчилар бу ерда икки кун давомида реактордаги ишларни тўхтатишнинг бошланғич жараёни қандай кетаётганини текширадилар. Реактор текширувидан сўнг инспекторлар МАГАТЭ штаб-квартираси жойлашган Венага йўл олишади.

АҚШ МЕКСИКАДАН  
КЕЧИРИМ СЎРАДИ

Мексика ҳукумати АҚШга норо-зиллик мактубини йўлади.

Бунга сабаб — мамлакат жанубида чегара девори қураётган америкалик қурувчилар беш километрлик темир панжаралар ўрнатиш пайтида Мексика ҳудудига икки метр кириб кетишган. Мажарони жойида ўрганган халқаро комиссия ҳақиқатдан ҳам Америка томони чегара деворини Мексика ҳудудига қурганини тасдиқлади. Шундан сўнг АҚШ ён қўшинисидан кечирим сўради ва деворларни бузишга киришди.

АҚШ Мексика ҳудуди орқали мамлакатга ноқонуний кириб келаётган муҳожирлар оқимини камайтириш мақсадида ушбу чегара деворини қуришни бошлаган эди.

ШАРТНОМА  
ЯНА КУЧГА КИРДИ

Расмий Бағдод Хитой давлат нефт компанияси билан тузилган шартнома яна кучга кирди.

Бу ҳақда Ироқ нефт саноати вазири Хусайн ал-Шахристони "Financial Times"га маълумот берган. Вазиrнинг таъкидича, бундан ўн йил олдин тузилган 1,2 миллиард долларлик шартнома ўз кучида қолади ва Ироқ уни бажаришга тайёр.

Эслатиб ўтамиз: 1997 йили Хитой ва Ироқ ўртасида Ал-Ахдабдаги нефт конларини ўзлаштириш бўйича шартнома имзоланганди. 2003 йили АҚШ қўшинлари киргач, бу ерда "қора олтин" қазиб олиш ишлари тўхтаб қолган эди.

## МАХБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

Исроил ҳукумати ўз қамқоқоналаридаги 250 нафар фалястинлик фукронини озод қилишини билдирди.

Бу ҳақда мамлакат бош вазири Эхуд Олмерт Мисрда ўтказилган Яқин Шарқ мамлакатлари саммитида таъкидлади. Маълумотларга кўра, озод этиладиган махбуслар ФАТХ ҳаракатининг аъзоларидир.

Бундан аввал Олмерт ва Махмуд Аббас ўртасидаги ўзаро учрашувда муҳториядаги сиёсий аҳвол оғирлашиб бораётгани ҳақида сўз борган эди.

ПАХЛАВОН...  
ҚИЗАЛОҚ ТУФИЛДИ

Иорданиялик бир аёл етти килограмм оғирликдаги қиз фарзандлик бўлди.

Чақалоқ мамлакат пойтахтидаги госпиталлардан бирида муддатидан ўн кун олдин, жарроҳлик йўли орқали дунёга келди. Шифокорларнинг айтишича, дунёда бу каби оғирликдаги чақалоқнинг туғилгани ҳали кузатилмаган.

Маҳаллий матбуот маълумотларига кўра, 36 ёшли рекордчи-онанинг ўзи 133 килограмм тош босади. Пахлавон қизалоқ унинг ўнинчи фарзандидир. Унинг аввалги барча фарзандлари ҳам бешдан олти килограммгача оғирликда туғилган.

Интернет материаллари асосида  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Соҳада амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабига уйғун равишда хизматлар кўрсатиш маданияти ва савиясини ошириш шиори асосида ишлаётган ҳар қайси корхона ўзининг бизнес режасини муваффақиятли яқунланишига ва молиявий салоҳиятининг ошишига жуда катта имкон яратади. Аксинча, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса-чи!..

АЙБДОРЛАР  
ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Яқинда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Фарғона филиали Риштон почта алоқаси тармоғида ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар жойларда қонун ва норматив ҳужжатлар асосида хизматлар кўрсатиш маданияти ва савияси шакллантирилади олинмаётганлигини кўрсатди.

Риштон почта алоқаси тармоғида қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда соҳа ва давлат стандартларининг бажарилиши, пул маблағлари ва почта хўнмалари муҳофазасининг таъминлиниши, почта алоқаси хизматлари сифати, тарифларнинг тўғри қўлланиши, даврий наشرларнинг истеъмолчиларга етказилиши ва почта хавфсизлигини таъминлаш ишлари ўрганилди. Натижада, меъёрий ҳужжатларни ўргатиш бўйича ўқишлар юқори савияда ташкил қилинмаганлиги, 22-шаклдаги иккиламчи хабарномалар етказиб берилганлиги хабарчиларнинг 8-шаклдаги дафтаридида қайд этилмагани, шу билан бирга, Марказий почта зали, Пандигон, Бешкапа, Авазбой, Уйрат ва Бужай алоқа бўлимида қабул қилинган коммунал тўловлар учун 47-шакл чипта дафтаридан чипталар миқозларга қириқиб берилмаганлиги, почта алоқаси тармоғига топширилган барча 47-шакл чипта дафтарлари ёзувлари назоратчи томонидан текширилмаганлиги, Дутир, Оқер ва Пандигон алоқа бўлимида иш кунини охирида газнада белгиланган меъёрдан ортқича нақд пуллар қолдирилганлиги каби ҳолатлар мавжудлиги, нафақаларни тўлов рўйхатларида тўлаш муддатлари кўрсатилмаганлиги, тўлов рўйхатлари дислокация бўйича тузилмаганлиги, Уйрат алоқа бўлимида жўнатилиши тақиқланган буюмлар, почта жўнатмаларини етказишни назорат муддатлари тўғрисида маълумот ёзиб қўйилмаганлиги, 2007 йил феврал-март ойларида қабул қилинган 6 та буюртма хатларнинг оғирлиги ва жўнатиш учун тўлов суммаси 3-шакл буюртма хатларни қабул қилиш дафтарига ёзилмаганлиги, айрим почта алоқа бўлимлари санитария ҳолати ва эстетик безатилиши талабга жавоб бермаслиги, почта жўнатмалари иш қозғалари билан тўла таъминланмаганлиги сабабли оддий қозғалардан фойдаланиб, иш юритилаётганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижалари асосида маълумотнома тузилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан йиғилиш ўтказилди ва камчиликларни тугатиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, назоратга олинди. Аниқланган хато ва

камчиликларга йўл қўйганлиги учун Риштон почта алоқаси тармоғи бошлиғи Т.Тожибоев, Уйрат алоқа бўлими бошлиғи М.Шералиев, Бешкапа алоқа бўлими бошлиғи Р.Аҳмедов, Бужай алоқа бўлими бошлиғи Д.Назирова, Пандигон алоқа бўлими бошлиғи Б.Ақбаров, Чек-жалаер алоқа бўлими бошлиғи Д.Ядгаров, Тўда алоқа бўлими бошлиғи Т.Шамсиев, тармоқ амалиёт зали оператори М.Аҳмаджонов ҳамда Марказий бўлим пенсия тарқатувчи оператори М.Мамажоновларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан яна бири — радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишни белгиланган қоидаларга риоя қилиниши ўстидан давлат назоратини олиб бориш ҳисобланади.

Бу борада вилоят ҳудудидида ноқонуний фойдаланилаётган радиоэлектрон воситаларни аниқлаш бўйича Электромагнит мослашув хизмати ва маъмурий органлар ходимлари билан ҳамкорликда тузилган режага асосан 2007 йилнинг ўтган даврида биргаликда 10 марта рейдлар ўтказилди.

Рейдлар давомида Кўкон шаҳрида «Роланд такси люкс» хусусий корхонаси 10 дона, «UNITEL» МЧЖ уяли алоқа оператори 17, «Жанубий Фарғона Магистрал канали» бошқармаси 4, «Кўкон локомотив депо» 52 дона радиоэлектрон воситалардан рухсатномасиз фойдаланаётганликларни аниқланди. Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри» тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сонли Қарори 7-иловаси талабларини бузганликлари учун радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан рухсатномасиз фойдаланганлиги ва фойдаланилишига йўл қўйган масъул шахсларнинг барчасига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддасига мувофиқ 211140 сўм жарима солинди ва у маҳаллий бюджет ҳисобига ундирилди.

Давлат алоқа инспекцияси Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда жисмоний шахслар томонидан кўча радиотелефонлардан ноқонуний таксофон хизматлари кўрсатилишининг олдини олиш бўйича тузилган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходимлари билан биргаликда Фарғона шаҳрида 4 марта, Марғилон шаҳрида 2, Олтиариқ ва Учқўприк туманларида бир мартадан — жами 8 та рейд ўтказилди. Рейдлар давомида уяли телефондан ноқонуний таксофон хизмати кўрсата-

ётган 4 нафар шахс аниқланиб, уларнинг фаолияти тўхтатилди. Фўқаро М.Тўғрўнбоев, И.Сулаймонов, Ш.Эгамбердиев ва З.Алимжоновларга нисбатан Давлат солиқ инспекцияси томонидан жарималар қўлланилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари сифатини яхшилаш, соҳада мавжуд муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида бўлимининг

«Ишонч телефони» хизмати ташкил этилган. Ушбу хизматга 2007 йилнинг ўтган ойлари давомида келиб тушган жами 52 та мурожаатнинг асосий мавзуси телефонлар қоникарсиз ишлаётганлиги ва оғохлатиришсиз тармоқдан узиб қўйилаётганлиги, кабелли телевидение кўрсатувларидаги узилишлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг миқозларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётганликлари ҳусусидир.

Айрим масъул шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, масъулиятсизларча ёндашилари кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол этилишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида «Фарғона Телеком» филиалида, «Рах-Шах» ХК кабел телевидениеси студияларида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганиш натижалари асосида маълумотномалар тузилди ва камчиликларни бартараф этиш, айбдорларга нисбатан чора қўриш учун мазкур ҳужжалик юритувчи субъектларга хатлар юборилди. Натижада, юқорида қайд этилган камчиликларнинг келиб чиқишида айбдор бўлган шўхжалик юритувчи субъектларнинг масъул ходимлари А.Раҳмонов, Р.Шерматов, А.Қодиров, Ф.Раҳмонов, Х.Умаров ва Ш.Ҳайдаровларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Халқимизга очик юз билан мавжуд қонун-қоидалар асосида хизмат кўрсатиш ҳар бир алоқа ходимининг одоб кодексига айланмоғи зарур.

Мўминжон РАФИҚОВ,  
Фарғона вилояти  
ДАИ бошлиғи

Барчамизга аёнки, инсон, унинг ҳаёти ва соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари демократик давлатнинг юксак қадрияти саналиб, уларнинг даҳлсизлигини таъминлаш ва рўёбга чиқариш давлат ва жамият олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ушбу масаланинг мазмун-моҳиятини теран англаган ҳолда халқнинг азалий орзуи бўлган бебаҳо истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб инсон манфаатлари йўлида кенг қамровли ислохотлар амалга оширишга жадал киришилди.

Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари аҳоли ижтимоий муҳофазасини йўлга қўйишни ва замон талабларига ҳамоҳанг равишда олиб борилишини кун тартибига қўйди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шaroитларини яратишдир».

Мазкур зарурат бозор муносабатларига ўтиш жараёнини раҳбарий қондаларини белгиллаб берган беш асосий тамойилларидан бири — аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойилида ўз ифодасини топиб, ўз вақтида жамиятда тинчлик ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга катта ҳизмат қилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида ижтимоий ҳимоя аҳолининг барча қатламларига нисбатан амалга оширилди. Бунда ойлик иш ҳақлари, пенсия ва стипендиялар кўпайтирилиб, аҳолига турли хил имтиёзлар ва ижтимоий қаролатлар берилди. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш асосан давлат бюджети маблағлари эвазига 30 хил соҳа ва йўналишлар бўйича амалга оширилганлигида ҳам кўзга ташланади. Маълум вақт ўтгач, ижтимоий ҳимоялашнинг мазкур тизимини такомиллаштириш

## УЛКАН ЧИНОР

мақсадида муайян чора-тадбирлар амалга оширилиб, умумий ижтимоий ҳимоядан табақаланган ҳолдаги манзилли ижтимоий ҳимояга ўтиш учун шароит юзага келди. Энди барча аҳоли қатлами эмас, биринчи навбатда кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож ногиронлар, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатила бошланди. Бу тадбирларни амалга оширишда оила асосий кўрсаткич қилиб олинди ва ижтимоий ёрдамни амалга оширилишида маҳалланинг аҳамияти бекиёс даражада оширилди. Бу масалада Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг қўйидаги фикрларини билдирдилар: «Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўллари излаш натижа-сида биз Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам бериш ижтимоий кўмаклашувининг энг содда, ammo самарали ва очик воситасидир, деган фикрга келдик».

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва бунинг замирида ижтимоий ҳимояга муҳтож муайян қатламларини қўллаб-қувватлашни янада оширишга қаратилган қўллаб-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимизда кириб келаётган ҳар бир янги йилни муайян номлар асосида номлаш шулар жумласидан бўлиб, эътироф этиш кераки, бу ҳол юртимизда

яхши аъёнага айланди, Бинобарин, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил — Оила йили, 1999 йил — Аёллар йили, 2000 йил — Соғлом авлод йили, 2001 йил — Оналар ва болалар йили, 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили, 2003 йил — Обод маҳалла йили, 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили, 2005 йил — Сихат-

саломатлик йили, 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинди. Албатта ўтган ҳар бир йил мазмунан ранг-баранг дастурлар билан бойитиб борилгани ва муваффақиятли амалга ошириб борилиши оқибатида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳудди улкан чинордек яшнаб, гуркираб бораёттир.

Йилларнинг мана шундай ўзига хос номланиши аҳолининг мазкур тоифаларига диққат-эътиборни кучайтириб, ўзбек халқининг маданий-маънавий қадриятларини, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, саховат каби сўнмас туйғуларини янада ривожлантиришга, бебаҳо маънавий меросининг юксалишига замин бўлди.

Айни вақтда ишонч билан айта олишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ишончли тизими шаклланди. Унинг моддий асоси бу борада қабул қилинадиган қонунчилик ҳужжатларида, муайян дастурларда, амалга оширилаётган тадбирларда ўз аксини топса, маънавий жиҳатлари ҳақида мустаҳкам ва бардавом бўлиб келаётган миллий урф-одат ва аъёналаримизда намойён бўлмоқда.

**Ш. КҲИМОВА,**  
1-Давлат нотариал идораси  
нотариуси,  
**Ш. ГАЗИЕВА,**  
ТДЮИ ўқитувчиси

## BIR JINOYAT IZIDAN

**Жаҳл келганда ақл қочади, деган нақл бор халқимизда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шайтоннинг измидан қочиб, ақл билан, охирини ўйлаб иш тутиш лозимлигига ишора тарзида пайдо бўлган ушбу мақол замирида катта маъно муҷассам.**

Зеро, йиллар давомида тажрибадан ўтиб келган бундай ҳикматларга амал қилмоқ инсонга фақат фойда келтиради, холос. Хали қирқ ёшга ҳам тўлмаган, яшаши, еб-ичиши ҳеч кимдан кам бўлмаган Маҳаматжон Эргашевнинг ҳам ўз жаҳлини, газабини онга олмай оғир жиноятга қўл урганлиги замирида вазиятдан оғир-босқичлик, ақл-иҳроқ билан чиқа билмаслик ётибди, аслида.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Маҳаматжон тижорат ишларидан келган фойда эвазига тирикчилик ўтказарди. Бу борада қайнопаси, яъни рафиқасининг туғишган опаси Гулчехра Игамназарова билан ҳамкорлик қиларди. Ақил-иноқлик билан бошланган ҳамкорлиқнинг охири фожиа билан тугаганини ким ўйлабди, дейсиз.

## ҲАЛОКАТЛИ ҲАМКОРЛИК

Гап шундаки, Гулчехра Игамназарова катта миқдорда қарзга ботиб қолади. Сўраганларга пулларини ўйратиб қўйди, дейди. Худди шу вақтда Маҳаматжонга ҳам 100000 сўм миқдориди пул керак бўлади. "Қасалликка чалинган хотинимни шифохонага ётқизишим учун бу пуллар менга жуда зарур, — дейди Гулчехра. — Ахир мен сиздан қарз сўрамаёяман. Ўртадаги пулдан сўраёяман."

Гулчехра аввалига ўзининг ҳозирча аҳволи оғирлигини, банкдан кредитга олган 30 миллион сўм ва шунингдек, бошқа пулларини ҳам Украинага борганида олдириб қўйганини, бунча пулни беролмаслигини айтиди. Шунда ҳам қайсарлик билан пул талаб қилаверган, куёвини ҳақорат қилишга ўтади.

— Совуқ кунда хотинингни бозорга чиқариб шамоллатдинг. Энди унинг соғлигини ўйлаб қолдингми, — дейди Гулчехра. — Сен қанақа эркаксан ўзи?

Ана энди шайтон васвасаси бошланади. "Сен қанақа гурури йўқ одамсан, аёл кишидан ҳақорат эшитиб индамай кетаверасанми? Кучингни, нималарга қодирлигингни кўрсатиб қўй унга".

Маҳамат ошхонада сигаретини чекиб бўлгунча шайтон билан фикран олишади. Бу вақтда Гулчехра ана энг ҳақоратли сўзлар билан авжига чиқади. Кўзи қонга тўлиб, ўзини бошқара олмай қолган Маҳамат ошпичокни олиб, йўлакда кетаётган Гулчехрага биринчи зарбани беради. Табиийки, аёл киши забардаст, ана қўлида пичоги бор эркакка бас кела олмайди. Бутунлай жаҳл отига минган Маҳамат ҳимоясиз аёлни бир неча жойига пичок санчади. У йиқилгач, қонли қўлини, пичокни юйиб ташқарига чиқади ва машинасига ўтириб уйига жўнаборади.

Бу вақтда Гулчехранинг икки нафар вояга етмаган фарзанди ҳеч нарсадан беҳабар ухлаб ётишарди. Эрталаб эса онасининг қонга беланган жасадини кўриб ўзларини йўқотиб қўйишади.

Арзимас гап-сўздан бошланган жанжал ўлим билан тугайди. Маҳамат Эргашев ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда ожиз аҳволдаги шахсни ўта шафқатсизлик билан, таъмагарлик ниятида, жиноятни яширишга ҳаракат қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми "в, ж, и, о" бандлари ва 164-моддаси 2- қисми "а, в" бандларида кўрсатилган жиноятни содир этади.

Жиноят жаҳазсиз қолмайди. М.Эргашев ҳам ўз қилмишига яраша жаҳазсиз олади. Лекин бундай оғир жиноят содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг учун инсон мушкул ҳолатларда вазиятни ақл тарозисига солиб ўлчамоғи, енгил-елпи ҳулосага келмаслиги, ўйлаб иш тутмоғи лозим, албатта.

**Забихулла ЗИЁДУЛЛАЕВ,**  
Учтепа тумани прокурорининг  
катта ёрдамчиси

## 2007-YIL — IJTIMOIIY NIHOYA YILI

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш борасидаги ишларимизни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш ва аввалги йилларда бошланган эзгу ишларимизни давом эттириш мақсадида 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши фуқаролар моддий турмуш шароитини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш юзасидан олдимизга катта вазифалар қўйди.

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Мазкур вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишида илгари сурилиб, Республика Президентининг 2007 йил 23 январда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридида ўз ифодасини топди. Дастурда белгиланган вазифалар, асосан, 7 хил йўналишда амалга оширилиб, улар қўйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олди:

- биринчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш;
- иккинчидан, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интер-

натларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларни ижтимоий ҳимоялаш;

- учинчидан, аҳолининг ночор қатламларини — кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш;

- тўртинчидан, оналик ва болалик тўғрисида гамхўрликни кучайтириш, Соғлом она — соғлом бола ҳаракатини ривожлантириш, жисмонан соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш;

- бешинчидан, Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришни давом эттириш;

- олтинчидан, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва сало-

ҳиятини юзага чиқариш учун имконият яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

- еттинчидан, фахрийлар ва пенсионерларнинг соғлом ва сермазмун ҳаёт кечирishiлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жамоатчилик томонидан уларнинг кенг қўламда эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш ва бошқалар.

Қайд этиш кераки, юқорида белгиланган масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг дастлабки самарасини бермоқда. Буни бевосита ҳар бир фуқаро кузатиш ва ҳис қилиш имконига эга бўлиб, айни вақтда унинг кузатувчисига эмас, балки ташаббускорига айланиб бораётгани гоят қувончлидир. Дарҳақиқат юртимиз осойишталиги, оилаларимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида, соғлом авлод тарбияси олдида ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

**В.АЗИЗХҲАЕВА,**  
**И.ГУЛЯМОВА**




## МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ


Начало недели ознаменовалось выпуском сразу целого ряда мобильных устройств.

# НОВИНКИ

Но прежде, вспомним, что в минувшую пятницу шведско-японский альянс Sony Ericsson анонсировал несколько великолепных новинок.




Sony-Ericsson Z320 - стильный телефончик с оригинальными иконками событий на передней панели и 1,3-Мп камерой.




Sony-Ericsson K530 - симпатичный 3G-телефон с поддержкой GPS (сам навигатор - в прилагаемой к телефону гарнитуре).



Sony Ericsson K850i Cyber-shot - долгожданный 5-мегапиксельный камерафон.



Sony Ericsson W960 - новейший «музофон» с 8 Гб встроенной памяти, 3,2-Мп камерой и 2,6-дюймовым сенсорным дисплеем.



Sony Ericsson W910 - стильный музыкальный слайдер с технологиями Shake (управление движением телефона) и SensMe (позволяет собирать треки в группы, объединенные настроением).


А уже в начале этой недели мобильную общественность потряс шквал новинок от Nokia.

Первой была анонсирована новая раскладушка Nokia 6267 ориентирована на потребителей мультимедиа контента. В телефон встроены улучшенные возможности просмотра видео, а также выделены специальные кнопки для управления мультимедиа.

Время жизни батареи составляет 6,5 часов в режиме разговора или 12,5 дней в режиме ожидания. Предварительно цена Nokia 6267 составит 240 евро (без налогов и дополнительных сборов).

Вторым стал «стиляга» 3500 classic. Этот моноблок рассчитан на тех, кто ценит в телефоне прежде всего удобство. Железный корпус позволяет модели не только подчеркнуть классический профиль, но также служит отличной защитой при падении или ударе. В телефон встроены стандартные функции: FM-радио и двухмегапиксельная камера.

Контактная книга телефона может вместить 2 тысячи записей, так что общительным людям хватит места записать всех знакомых. Время жизни батареи составит 3 часа в режиме разговора или 12 дней в режиме ожидания. Предварительно цена Nokia 3500 classic составит



135 евро.

И третьим на свет появился смартфон 6121 classic. От своего «близнеца» (в плане дизайна) - Nokia 3109 classic - новая модель отличается прежде всего ориентацией на современные технологии и сети.

Nokia 6121 classic поддерживает четыре диапазона GSM и стандарт WCDMA 900/2100. Для работы с видеозвонками в сетях 3G-телефон оборудован второй камерой. Стандартная же двухмегапиксельная камера предназначена для фото и видеосъемки. Для более удобного серфинга по сети и закидывания контента телефон укомплектован поддержкой технологии HSDPA. Кроме того, в активе трубки - поддержка карт памяти microSD и отличный QVGA-экран. Работает новинка на базе платформы S60 3rd Edition Feature Pack 1. Предварительная цена Nokia 6121 classic - 260 евро (без налогов и дополнительных сборов).

А всего сутки спустя компания i-mate, лидер в производстве смартфонов под управлением Windows Mobile, которая никак не проявила себя на недавнем Всемирном конгрессе 3GSM, вдруг разродилась неожиданным JAMA - устройством под управлением ОС Windows Mobile Pocket PC Phone Edition. i-mate JAMA ожидается на рынке в июне 2007 года, цена пока не объявлена.




## ТАКОЙ ВОТ ТЕЛЕФОН...

У него нет ничего, кроме сенсорных экранов. Но зато их, прямо скажем, избыток!

Таким вот видит телефон нового поколения дизайнер Тао Ма. Идея телекоммуникаций воплотилась в больших кварцевых кристаллах, каждый из которых представляет собой определенную цифру, как на привычной для нас клавиатуре обычного мобильного телефона. А под каждым кристаллом встроен светодиодный индикатор.

А работает «конструкция» следующим образом: при касании каждый кристалл освещается, а светодиодная платформа, на которой размещаются все кристаллы, отображает информацию о входящих звонках, контактах и датах.



## ZiyoNET—АНОНС\*

## Совершенствуется работа библиотек

Трудно переоценить роль библиотек в расширении кругозора, укреплении мировоззрения подрастающего поколения, организации учебно-воспитательного процесса на уровне мировых стандартов. Поэтому в ходе проводимых в стране широкомасштабных реформ в духовно-просветительской сфере особое внимание уделяется укреплению материально-технической базы библиотек, расширению масштаба их деятельности.

Об этом шла речь на прошедшем в Джизаке семинаре-совещании методистов, организованном по инициативе Министерства народного образования Узбекистана и Республиканской государственной детской библиотеки. Его темой стали вопросы организации управления деятельностью школьных информационно-ресурсных центров.

## В городе Джизаке состоялась молодежная акция

В городе Джизаке состоялась молодежная акция «Мы — одна команда», проводимая Центром молодежных инициатив «Келажак овози» совместно с благотворительным фондом «Меҳр нури».

В нашей стране уделяется серьезное внимание всесторонней поддержке молодежи, раскрытию ее интеллектуальных возможностей, выявлению и стимулированию молодых талантов в области культуры, искусства, информационных технологий и образования.

## Молодежь — против наркомании

В Янгйуле прошел фестиваль молодежи, посвященный Международному дню борьбы с наркоманией и незаконным оборотом наркотиков, который ежегодно отмечается 26 июня.

В этом мероприятии, организованном областным отделением общественного движения молодежи «Камолот» совместно с управлением среднего специального образования и по делам культуры и спорта, областным центром СПИДа, Фондом развития детского спорта и благотворительным фондом «Махалла», приняли участие работники правоохранительных органов, учителя и учащиеся, представители широкой общественности.

## Яркая страница в жизни молодежи

В рамках культурно-просветительских мероприятий соревнований «Универсиада-2007» в свободное от состязаний время участники проводили экскурсии по достопримечательным местам нашего города.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

## ХОТИТЕ ПОЗНАКОМИТЬСЯ С IPHONE ПОБЛИЖЕ?

За неделю до выхода долгожданного iPhone компания Apple выпустила своеобразный «видеопутеводитель» для желающих поближе узнать об особенностях телефона.

Называется видео «iPhone guided tour» и длится аж 20 минут. В ролике подробно показаны все аспекты работы с устройством - от включения, выключения и блокировки до работы с голосовой почтой, картами местности, email и SMS, клиентом YouTube, медиаплеером, фотоальбомом, настройками и т.п.

Заинтересовались? Вам сюда: <http://www.apple.com/iphone>. Напомним, в продаже на территории США революционный iPhone появится 29 июня в 6 часов вечера по «их» времени.

### АФОРИЗМ


Тот, от кого к другим исходит зло,  
Увидит: все назад к нему пришло.

Алишер НАВОИ



# Хабар + tv

## ДУШАНБА — 2 ИЮЛ



5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Таджикнома".  
"Боллар сайраси".  
8.50 1. "Уч бидоқ", баъдий фильм.  
2. "Қўлуз амакининг қиссалари".  
Мухтасар.  
10.30 Д. Эвоков номидан қалбқўсултури эркинхонаси концерти.  
10.50 "Самарқанд - 2750".  
10.55 Дунё исми.  
11.00 "Азбуқ".  
11.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Тошкент гулдори".  
11.25 "Ошани эрси".  
11.45 "Парона", Спектакль, 1-қўям.  
12.50 "Парона", Спектакль, 2-қўям.  
13.45 Висонт номидан.  
13.55 Дунё исми.  
14.00 "Азбуқ".  
14.20 "Ошани ва ошан" дастури: "Қусто қамалмасинан сув ости сарушларлари".  
15.10 "Хот мансирлар".  
15.20 "Ватанлар".  
16.20 "Ошан - жонан таъини".  
"Боллар сайраси".  
16.40 "Эртасар - жонанка етисар".  
17.00 "Азбуқ".  
17.15 Оттин мўса.  
17.25 "Юртим бўйлаб" дастури: "Истифол сари Бў".  
17.45 "Воқеа".  
18.05 "Оқинлар оқушлари".  
18.15 "Умар афанди", 1-қўям.  
18.40 "Ошан", Т/с.  
19.10 "Сизнинг адолатингиз".  
19.15 "Юртим қишлоғи".  
19.20 Дунё исми.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонсар.  
19.30 "Азбуқ" (рив тилла).  
20.05 ТВ шифоғари.  
20.10 "Уч бек", Телесернал премьераси (Туркия).  
20.55 Дунё исми.  
21.00 "Азбуқ".  
21.40 "Шарк тароналари".  
22.00 "Муҳаббат гулдори", Телесернал премьераси (Корея).  
22.30 "Қўлтиямаси, муҳаббат" (SMS, Ото берил).  
23.10 "Июл таъини", Телесернал премьераси (Ўзбекистон).  
23.55-01.05 Тунги новонар.  
"Ўзбексан".  
00.05 Кўрсатувлар дастури.  
00.15 "Равитун дунё".  
00.35 "Истеъло".  
00.55 Дунё исми.  
01.00 "Азбуқ", Информацион дастури (рус).  
01.35 Оттин мўса.  
01.45 "Парона", Спектакль.  
03.30 "Шарк тароналари".  
03.55 Дунё исми.  
04.00 "Азбуқ", Информацион дастури.  
04.35 "Юртим бўйлаб" дастури: "Чанқову".  
04.55 "Милан - 2007".  
05.00 "Минг бир ривон".  
05.05 Милли дастури: "Юсуф ва Зулайха".  
05.35-05.55 Тонгги новонар.



15.55 Дастуринг ошати.  
16.00 "ДАВР".  
16.15 "Уч байрам - буюрмасини".  
16.20 "Дар мансир".  
16.35 "Самарқанд - 2750 етисар".  
16.40 "Якшанба юмурси".  
17.00 "Юмурси".  
17.20 "Нафос ошани".  
17.30 "Муҳаббат дунё" Х/с.


18.20 "Кино-SMS".  
18.25 "12/2X азбуқлари" (рус ва инглиз тиллари).  
18.35 "Ғаза мўса".  
18.55 "Иқлим".  
19.20 "ДАВР".  
19.30 "Муҳаббат ва эртасар", Сервал (Корея).  
20.10 "12/2X азбуқлари".  
20.15 Иқлимий ҳақон иқлим: "Матонг".  
20.30 "ТВ-бик".  
20.40 "Эълонсар".  
20.50 "Зера", Сервал.  
21.35 "Баллик новонар".  
21.55 "Иқлим".  
22.00 "ДАВР".  
22.30 "SMS-мўса", Ёш иқлимлар тиллари.  
22.50 "ТУАРО", Сервал.  
23.40 - 23.50 "Тиллар".



17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 Мултипликация "Шумиклар".  
18.05 Телекўрсатув - мўса.  
18.30 "Пойтахт" азбуқлар дастури.  
18.50 "Пайтахт", Телесернал.  
19.30 "Музыка SMS".  
19.50 "Саломат бўлиш" (рус).  
20.00 "Пойтахт" азбуқлар дастури (рус).  
20.15 "ТВ крик".  
20.20 Мир жоникети: "Қас қилтир".  
1-қўям.  
20.50 "Интервью" (рус).  
21.00 "Жоник".  
21.30 "Пойтахт" азбуқлар дастури.  
21.45 "ТВ крик".  
21.50 Телекўрсатув - мўса.  
22.10 "Аёл қабил".  
22.30 "Пойтахт" азбуқлар дастури (рус).  
22.45 "Кино SMS оқушлари".  
22.50 "Кино" "Кино Крик", 1-қўям.  
00.20 - 00.25 Хайри тун, шарин.




18.00 "Боллар спорт".  
18.20 "Муслирий тайм".  
18.30 "Хабарлар" (рус тили).  
18.50 "Тет-а-тет".  
9.00 "Яқиндан нуқулмаси".  
9.20 "Зерар". Сериал.  
10.00 "БАТАНТАРВАР".  
11.00 "Joutai".  
12.00 "Акс", Ток-шоу.  
12.00 Кишин эслаб: Тақдир ҳақида ёки Қудлик енгил бўлин?  
Кинокомедия.  
14.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Қомиллов куйлайди.  
15.00 "Хун келибиз".  
15.15 "Тарангум", Дам олиш дастури.  
15.50 "Чемпион сирлари".  
16.10 "Ринг қироллари".  
17.00 Миллий кино: "Наҳотки сен".  
18.55 "Иқлим".  
19.00 "Давр ҳафта ичиди".

19.30 "Табассум қил".  
19.35 "Халқпарастлар", Ҳажийи дастур.  
19.55 "Бизнинг байрам".  
20.00 "Нихон" муҳофизоти совриндорлари туркумидан. Дала Аҳмедова.  
20.30 "Афросиёб арионалари".  
20.50 "Эълонлар".  
21.00 "KINOMANIYA".  
21.20 Жаҳон киноси: "Сунгити легион".  
23.10 - 23.20 "Таксин".

SPORT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.  
7.30 "Салом, Тошкент".  
8.35 "Талдауте", Телевизион.  
9.15 "Телекурьер - маркет".  
9.35 Ёғи пайил қунарилади: "Сехри қанчо", Мультифильм.  
9.50 "ТВ юрист".  
9.55 "Афши".  
10.05 Кино: "Зулматин тарк этиб".  
11.25 "Интервью".  
11.40 "Истеъло".  
11.55 "Телекурьер-маркет".  
12.15 "Мусқас SMS".  
12.40 "ТВ юрист".  
12.45 Дини летиш қаниқат: "Бэмби 2", Мультифильм.  
14.00 "Дорихон шитатин" /рус/.  
14.45 Кино: "Мистер Бин на отдыле".  
16.10 "Саргушайлар ороли".  
16.35 "Мулоҳаза учун мавзу".  
17.05 "Жозиба".  
17.35 Кино: "Вир на Зара" 1-2 қисмлар, /Хиндиштон/.  
20.30 "Телекурьер - маркет".  
20.50 Турин ҳақида /рус/.  
21.25 Кино SMS со звездами: "В погоне за счастьем".  
"Кровавый алмаз".  
"Лара Крофт расчитительница гробниц".  
23.15 - 23.20 "Хайрат тун, шаҳрим".

SPORT

7.30 "Хабарлар" (Ўзб. тилида)  
7.50 "Болрозе утро".  
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)  
9.15 "Непутёвые заметки".  
9.35 "Пока все дома".  
10.25 "Физелда".  
11.00 "Куино, старлар".  
11.40 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги қуналяпти.  
11.50 Теннис. Уимблдон турнири.  
13.50 "Файли ошкона".  
14.15 - 15.05 ПрофРИНГ.  
\*\*\*  
17.00 Футбол. Осиё кубоги қуналяпти.  
17.30 Футбол. Осиё кубоги. Вьетнам-БАА. Турнидан-турни олиб қурсатилди.  
19.30 "Версия". Информационно-анализическая программа.  
20.00 Футбол. Осиё кубоги. Австралия-Уммон.  
21.30 "Таксин". Информационно-таҳлилий қўрсатув.  
22.00 "Новиқас". Х/ф.  
23.40 Футбол. "Колп Америка".  
1.15 "Тунгитин оқудан бўлини".  
\*\*\*  
05.00 09.00 11.00 Новосты.  
05.10 "Шутка за шуткой".  
05.40 Детектив "За все надо платить".  
07.00 "Армийский магазин".

БИРИНЧИ

07.30 М/с "Черный плащ".  
08.20 "Эвричеин".  
09.10 "Непутёвые заметки".  
09.30 "Пока все дома".  
10.20 "Физелда".  
11.10 "Живой мир". "В глубинах океана".  
12.20 Х/ф "Зимний вечер в Гаграх".  
14.00 Х/ф "Спорт, спорт, спорт".  
15.40 "Большой спор".  
17.00 "Времена".  
18.00 Д/ф "Королевы красоты. Жизнь за королю".  
19.00 "Кто хочет стать миллионером?".  
20.00 Воскресное "Время".  
20.50 Триллер "Лэки Х".  
22.40 Бокс. Бой сильнейших профессионалов мира. Ринго Хаттон - Хоце Луис Кастельо.  
23.40 Х/ф "Противостояние".  
01.30 Детектив "Попробуй, поймай меня".  
02.50 Т/с "Битва за галактику".

РОССИЯ

01.00 Х/ф "След в океане".  
02.30 "Сильный час".  
03.00 06.00 09.00 "Местное время. Вести - Москва".  
03.10 06.10 "Местное время. Вести - Москва".  
03.20 Комедия "Потрясающий Берендеев".  
04.35 Х/ф "На берегу большой реки".  
06.20 М/ф "Спасение ведут Колобки".  
06.30 Х/ф "Перехват".  
08.15 "Парламентский час".  
09.20 "Фильм №140".  
10.00 "Вести. Декорация часть".  
10.35 "Честный детектив".  
11.05 Х/ф "Желтый карлик".  
13.10 "Опера. Хроники убойного отдела".  
15.00 "Вести недели".  
16.00 Х/ф "Скворец и Елена".  
18.05 Х/ф "Крупная ставка".  
20.15 Х/ф "День полнотуны".  
22.15 Т/с "Владыка".

НТВ

23.50 Фильм-сказка "Золушка".  
01.10 М/ф "Крокодил Гена".  
"Чебурашка". "Чебурашка идет в школу".  
02.00 04.00 07.00 10.00 13.00 "Сетевая".  
02.15 Лотерея "Русское лото".  
02.40 "Дикий мир".  
03.05 "Судейский реис".  
04.20 "Едим дома".  
04.55 "Живая легенда". И. Глазунов.  
05.55 Top Gear.  
06.30 "Чрезвычайное происшествие".  
07.25 "Москва - Ялта - трагизм".  
Фестиваль юмора.  
09.25 Т/с "Победившие смерть".  
10.25 "Один день. Новая версия".  
11.00 "Своя игра".  
11.55 Т/с "Коллекция чести 2".  
13.40 "Инстинктивное признание".  
14.10 "Кремлевские жены: Надежда Крупская. Замужем за революцией".  
15.05 Т/с "Зимнее".  
17.00 Т/с "Рим".  
19.05 Теннис. Уимблдонский турнир. Финал. Мученицы.  
21.05 "Криминальная Россия".  
21.55 Комедия "Ворчиные старики".  
23.35 "Профессия - репортер".

КУЛЬТУРА

05.30 Канал "Европа".  
09.00 00.50 Программа передач.  
09.10 "Новый Старый мир".  
09.40 Х/ф "Зайчик".  
11.05 "Легенды мирового кино". В. Де Сина.  
11.35 "Все дело в шлеме". "Лето в Мунин-дэ".  
12.40 Д/ф "Темные землекопы".  
13.35 "Камера-обскура". М. Калатош.  
14.15 Х/ф "Красная палатка".  
16.50 "Дом актера". "Театральное калыво".  
17.30 И. Стравинский. Опера. "Соловей".  
18.45 Х/ф "Американская дочь".  
20.20 Д/с "Загадки Библии", 3 с.  
"Иисус Навин и падение Иерихона".  
21.10 А. Суханов. Юбилейный концерт.  
22.05 Х/ф "Скрытый клинок".  
00.25 "Джем 5". Д. Шур и К. Бейсен.  
00.55 Д/ф "Толые землекопы".

СТС

07.00 Х/ф "Приключения волшебного пуха".  
08.20 М/ф "Каштанка".  
08.55 М/с.  
11.00 "Самый умный".  
13.00 Т/с "Кадетство".  
15.00 "Снимите это немедленно".  
16.00 "Мать и дед".  
17.00 История в деталях.  
17.30 "6 кадров".  
18.10 Т/с "Операция "Цвет неона".  
22.00 Х/ф "Сладкий перелеток".  
00.05 "Слава Богу, ты пришла".  
01.25 Х/ф "Дурная кровь".  
03.35 Х/ф "Берегись, мерзавец".  
04.55 Х/ф "Просто, как смерть".

ТВ3

07.30 Жизнь, полная радости.  
08.00 М/ф.  
10.00 Х/ф "Спасатели в Австралии".  
11.30 Х/ф "Республика ШКИД".  
13.30 Х/ф "Достоинство республики".  
16.45 Х/ф "Отцы невесты 2".  
19.00 Т/с "Числа", 2 с.  
20.00 Х/ф "Тупицел".  
21.45 Х/ф "Моя большая армянская свадьба".  
00.00 Т/с "Корольшия в ночи", 6 с.  
01.00 Х/ф "Двойной удар".  
03.00 Культ. напичности.  
06.00 Релакс.

ТНТ

06.00 М/с "Ох уж эти детки".  
07.40 00.05 Наши песни.  
08.05 20.00 23.30 00.20 "Дом 2".  
09.00 "Созвездия. Видеоверсия".  
10.00 Записки шоу-бизнеса.  
11.00 "Кулинарный дуэль".  
11.30 Комедия "Васили".  
13.25 Комедия "Лучше не было".  
16.15 03.55 Т/с "Саша+Миша".  
17.00 Клуб бывших жен.  
18.00 Такси в Питере.  
18.30 "Женская лига".  
19.00 "Топик экстремистов".  
21.00 "Комеди Клуб".  
22.00 "Смех без правил".  
23.00 "Секс с А. Чеховой".  
00.20 Комедия.  
03.10 Т/с "Замуж за миллионера".

## TV-Марказ

## Душанба

07.00 "Премьера" (Ўзб)  
07.30 09.45 14.00 16.00 17.40  
21.00 Ўзбек навалари  
08.00 "Премьера" (рус)  
08.30 "Сайлот" (рус)  
08.45 12.50 20.50 Мировые хиты  
11.00 "До первого снега" Х/ф.  
13.30 "Миссия неповторима"  
15.00 Теления  
15.45 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
17.00 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
18.00 "Премьера" (Ўзб)  
18.30 "Кулиар фантазиялари"  
19.00 "Премьера" (рус)  
19.30 Serial "BA-BANK"  
21-серия  
22.00 Комедия по понедельникам  
"НУ, ЧТО-ПРИЕХАЛИ" Х/ф.  
23.50 Миксер

## Сешанба

07.00 08.10 10.50 13.30 14.30  
16.00 17.45 18.10 20.35 21.30  
Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
09.00 Serial "Ba-bank"  
21-серия  
10.20 "Премьера" (Ўзб)  
11.00 "Ну, что-приехали" Х/ф.  
12.50 14.10 Мировые хиты  
13.00 "Юдузай пайшанба"  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теления  
15.45 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)

17.00 "Топ-20"  
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
19.00 Serial "BA-BANK"  
22-серия  
20.20 "Сайлот"  
21.00 "Великозлетная семёрка"  
22.00 "ДЕНЬ НЕЗАВИСИМОСТИ" Х/ф.  
00.50 Миксер

## Чоршанба

07.00 08.50 10.50 14.10 17.00  
18.40 20.20 21.30 Ўзбек навалари  
07.30 "Премьера" (рус)  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 "Навбат" Рашид Холиқов билан  
09.00 Serial "Ba-bank"  
22-серия  
10.20 Мировые хиты  
11.00 "ДЕНЬ НЕЗАВИСИМОСТИ" Х/ф.  
13.50 16.00 Мировые хиты  
14.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
15.00 Теления  
15.45 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.10 "Кулиар фантазиялари"  
19.00 Serial "BA-BANK" серия  
21.00 "Миссия неповторима"  
22.00 Киноколлекция "МИМИ-НО"  
23.50 Миксер

## Пайшанба

07.00 10.20 14.30 16.00 18.10  
20.20 Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
08.10 12.50 14.10 17.30 Мировые хиты

09.00 Serial "Ba-bank"  
23-серия  
11.00 "Миминьо" Х/ф.  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теления  
15.45 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
17.00 "Великозлетная семёрка"  
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
19.00 Serial "BA-BANK"  
24-серия  
21.00 "Юдузай пайшанба"  
21.30 "Премьера" (Ўзб)  
22.00 "МИЛЛИЙ ХАВФСИЗ-ЛИК" Б/ф.  
23.40 Миксер

## Жума

07.00 10.20 13.00 14.10 16.00  
18.10 19.00 20.30  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 "Топ-20"  
09.00 Serial "Ba-bank"  
24-серия  
11.00 "Миллий хавфсизлик" Б/ф.  
12.40 Мировые хиты  
14.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
15.00 Теления  
15.45 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
17.00 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.45 Мировые хиты  
20.00 "Судьбы-Тактирлар"  
21.00 "Кинокурсыр"  
21.30 "Премьера" (рус)  
22.00 "ПОЙМАЙ И ОТПУСТИ" Х/ф.  
00.10 Миксер

## Шанба

07.00 08.10 10.00 14.30 17.00  
18.10 20.00 21.00 Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
09.00 13.10 16.40 19.00  
Мировые хиты  
09.30 "Кинокурсыр"  
11.00 "Поймай и отпусти" худ фильм  
14.00 "Премьера" (Ўзб)  
15.00 Теления  
16.20 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
21.00 "Навбат Рашид Холиқов билан"  
22.00 Кино "В ЛОВУШКЕ"

## Якшанба

07.00 09.30 14.00 16.40 17.00  
18.10 19.30 Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 18.30 21.45 Мировые хиты  
11.00 Индийское кино "В ловушке"  
15.00 Теления  
16.20 "Боби хит"  
(Боллар куйлаганда)  
16.30 "Премьера" (рус)  
17.30 "Юдузай пайшанба"  
18.00 Марказ NEWS (Ўзб)  
21.00 "Топ-20"  
22.00 "КРОВЬ И ШОКОЛАД" Х/ф.  
23.50 Миксер

## RTR SPORT

## Душанба

06.55 Художественная гимнастика. ЧЕ.  
08.00 10.10 13.50 18.25 20.45 02.15  
"Вести-спорт".  
08.10 Волейбол. Мировая лига.  
10.10 "Вести-спорт. Местное время".  
10.25 Киней спорт.  
11.45 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Минион - Шотландия.  
13.55 Профессиональный бокс.  
15.15 Футбол. Премьер-лига.  
17.20 "Футбол России".  
18.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Исп - Уругвай.  
21.00 Легкая атлетика. Гран-При.  
00.05 "Неделя спорта".  
01.10 "Футбол России".  
02.20 "Рыбалка с Радзиевским".  
02.40 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Португалия - Новая Зеландия.  
04.15 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Конго - Австрия.

## Сешанба

06.55 Художественная гимнастика. ЧЕ.  
08.00 10.20 14.15 18.40 22.15 01.45  
"Вести-спорт".  
08.10 "Футбол России".  
09.15 "Неделя спорта".  
10.30 Легкая атлетика. Гран-При.  
12.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Португалия - Новая Зеландия.  
14.20 "Неделя спорта".  
15.25 Бильярд. ЧЕ.  
17.20 Легкая атлетика. Кубок Москвы.  
18.05 "Скоростной участок".  
18.55 Баскетбол. ЧМ.  
20.35 Футбол. Чемпионат среди артистов  
22.30 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Конго - Австрия.  
00.40 "Скоростной участок".  
01.10 "Летопись спорта".  
01.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
США - Польша.  
02.55 "На всех парусах".

04.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Бразилия - Корея.

## Чоршанба

06.45 Художественная гимнастика. ЧЕ.  
08.00 10.05 13.40 17.55 22.15 01.00  
"Вести-спорт".  
08.10 Фигурное катание.  
10.50 "Самый сильный человек".  
11.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
США - Польша.  
13.45 Бильярд. ЧЕ.  
15.15 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Бразилия - Корея.  
17.25 "Путь Дракона".  
18.05 "Из коллекции телеканала  
"Спорт". Футбол. Лига чемпионов.  
20.15 02.30 Сочи-2014.  
22.50 Баскетбол. ЧМ.  
06.25 01.15 Легкая атлетика. Гран-При.  
05.00 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Уругвай - Иордания.

## Пайшанба

06.55 "Летопись спорта".  
07.30 10.00 14.10 18.30 22.10 01.45  
"Вести-спорт".  
07.40 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Шот - Инг.  
09.45 "Рыбалка с Радзиевским".  
10.10 14.15 Бильярд. ЧЕ.  
12.05 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Уругвай - Иордания.  
13.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Шотландия - Италия.  
18.00 01.15 "Точка отрыва".  
18.40 "Из коллекции телеканала  
"Спорт". Футбол. Лига чемпионов.  
20.50 Профессиональный бокс.  
22.25 Легкая атлетика. Кубок Москвы.  
23.15 Греко-римская борьба.  
Чемпионат России.  
01.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Австрия - Канада.  
03.55 "Летопись спорта". Олимпиада

для студентов.  
04.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Мексика - Португалия.

## Жума

06.40 "Сборная Россия". С. Конух и Е. Смирнов.  
07.15 09.55 14.15 18.30 22.40 01.45  
"Вести-спорт".  
07.25 15.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Чили - Канада.  
09.25 "Путь Дракона".  
10.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Австрия - Канада.  
12.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Мексика - Португалия.  
14.20 Бильярд. ЧЕ. Финал. Мужчины.  
17.55 "На всех парусах".  
18.40 "Рыбалка с Радзиевским".  
18.55 Баскетбол. ЧМ.  
20.40 "Из коллекции телеканала  
"Спорт". Футбол. Лига чемпионов.  
22.55 "Вести-спорт. Местное время".  
23.00 Греко-римская борьба.  
Чемпионат России.  
01.10 "Самый сильный человек". ЧМ  
по силовому экстриму.  
01.55 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Аргентина - КНДР.  
03.55 "Сборная Россия".  
04.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Бразилия - США.

## Шанба

06.40 Спортивная гимнастика.  
Международная матчевая встреча  
08.00 10.00 14.15 18.25 21.55 03.05  
"Вести-спорт".  
08.10 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21  
года 1/4 финала.  
10.10 22.10 "Вести-спорт".  
10.15 "Летопись спорта".  
10.50 Профессиональный бокс.  
12.05 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.

Аргентина - КНДР.  
14.20 "Точка отрыва".  
14.55 Регби. "Кубок Трех наций".  
Австралия - ЮАР.  
16.45 Воляная борьба. Чемпионат  
России.  
18.35 Профессиональный бокс.  
19.55 Футбол. Кубок Интертото.  
22.15 Баскетбол. ЧМ.  
00.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Бразилия - США.  
02.15 03.15 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Уругвай - Замбия. 2-й тайм.  
04.10 "Летопись спорта".  
04.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Япония - Италия.

## Якшанба

06.55 Спортивная гимнастика.  
Международная матчевая встреча  
08.00 10.00 15.00 18.40 22.45 02.00  
"Вести-спорт".  
08.10 Баскетбол. ЧМ.  
10.10 23.00 "Вести-спорт".  
10.15 "Страна спортивная".  
10.45 Футбол. Кубок Интертото.  
12.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Уругвай - Замбия.  
15.05 "Сборная Россия". Л. Ильченко.  
15.40 Профессиональный бокс.  
17.00 Воляная борьба. Чемпионат  
России.  
18.55 Баскетбол. ЧМ. Женщины до 21  
года. Финал.  
20.35 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Япония - Италия.  
23.05 Регби. "Кубок Трех наций".  
01.10 Легкая атлетика. Кубок  
Москвы.  
02.10 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Португалия - Гамбия.  
04.10 "Сборная Россия". Л. Ильченко.  
04.50 Футбол. ЧМ. Юноши до 20 лет.  
Канада - Конго.

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.





## Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti qoshidagi Mirzo Ulug'bek akademik litseyi



### O'QISHGA TAKLIF ETADI!

HURMATLI 9-SINF BITIRUVCHILARI, agar siz XXI asrning eng ustuvor yo'nalishlari — informatika va axborot texnologiyalari sirini o'rganishni hamda matematika, fizika, informatika, ingliz tili, tarix va huquq fanlaridan chuqur bilim olib, kelgusida eng nufuzli oliy o'quv yurtlariga kirishni xohlasangiz, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti qoshidagi

Mirzo Ulug'bek akademik litseyiga marhamat!

Akademik litseyda o'qitish quyidagi uch yo'nalishda olib boriladi:

1. Aniq fanlar (fizika, matematika, ona tili va adabiyot).
2. Ijtimoiy-gumanitar fanlar (tarix, huquq, ingliz tili, ona tili va adabiyot).
3. Iqtisodiyot (matematika, ingliz tili, ona tili va adabiyot).

#### KERAKLI Hujjatlar:


1. Ta'lim yo'nalishi va o'quv tili ko'rsatilgan ariza.
2. Ma'lumoti haqidagi hujjatning asl nusxasi.
3. O86-U shaklidagi tibbiy ma'lumotnoma.
4. 3x4 hajmdagi 6 dona fotosurat.
5. Tug'ilganlik to'g'risida guvohnoma shaxsan ko'rsatiladi (nusxasi).
6. Tashxis markazi ma'lumotnomasi.
7. Yashash joyidan ma'lumotnoma.

Akademik litsey bitiruvchilariga o'rnatilgan tartibdagi DIPLOM hamda EHM OPERATORI va ish yurituvchi mutaxassisligi beriladi.



Manziliimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Cherdansova-2 mavzesi, 49-maktab hududi. 17, 19, 49, 83, 96-avtobus, 18-trolleybus va 6, 13-tramvaylarining «Chimgan» magazini bekati. Mo'ljal: «Oqqush» kafesi. Telefon: 60-39-69.

## ХАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!



## Лицензияланган таълим ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидagi сифатли кадрлар тайёрлаш!

«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

## «ЭФФЕКТ — МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи қўлидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

#### I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)

- Бухгалтер-молиячи (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).

- 1С бухгалтерия программаси — 1 ой, тезкор — 8 кун, 60 минг сўм. Якка тартибда.

- 1С бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати — шартнома асосида.

- Ўрта ва кичик бизнес раҳбари — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қўнчилиги, бошқарув тактикаси).

- Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм.

- Кадрлар иши — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қўнчилиги).

- Секретарь-референт — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм, (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

#### II. Компьютер технологиялари бўлими:

(фақат якка тартибда)

- Компьютерда офис ишлари (бошловчилар учун тулиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.

- INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.

- Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker, (видеомонтаж) Adobeprimier дастури. 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.

- WEB сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

- Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой, 40 минг сўм.

- Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, 40 минг сўм.

- Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) — 3 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.

- SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчи — 2 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.

- Уяли телефонни таъмирлаш — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.

- Программаларни ўрнатиш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва сieroк хизматлари.

#### III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими:

(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

Ўқиш вақтини ўзингиз белгилaysiz. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилади.

Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кунин — яшанба. Ётоқхона — 1 ойга 25000 сўм.

Манзил: Ташкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9,19,20,24,50,51,60,67,72,85,88,89,91,93,95,115)

Келиш йўли: метронинг Минор, автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри бекати.

Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

30 йилдан ортиқ  
касб-хунар!!!

Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

Мамлакатимизда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча илмий-амалий тадбир ва танловлар, фан олимпиадалари ўтказилиб келинмоқда. Билимли ёшларимиз йилдан-йилга фан чўққиларини забт этиб, юксак натижаларга эришмоқдалар.

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА

Ана шундай истеъдод соҳибига ТАТУ Урганч филиали талабаси Дилшод ТОЖИЕВДИР.

Иқтидорли талаба ТАТУда бўлиб ўтган республика фан олимпиадасида фаол қатнашиб, «Информатика» фани бўйича учинчи ўринни, «Компьютер графикаси» фани бўйича 3-фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бундай муваффақиятларга эришишида филиал профессор-ўқитувчилари ва устозларининг ҳиссаси катта.

Дилшод Тожиев доцент Ф.Юсупов билан биргаликда масалаларни ечиш услубларини, алгоритмларни етарлича ўрганиб чиқди ва таҳлил қилди. Интернет муҳитида on-line тартибда дастурлаш бўйича масалалар ечиш маҳоратини ошириб борди.

Ўтган йил иқтидорли талаба дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финал босқичида қатнашишга муюссар бўлди. Филиалда «Ёш дастурчилар» мактабининг аъзоси сифатида мактаб, коллеж ва лицейларнинг юқори босқич ўқувчиларига амалий дастурлашдан доимо маслаҳатлар беради.

Ахборот технологиялари соҳасига қизиқиши кучли бўлганилиги сабабли «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Хоразм қамолоти — Интернетда» кўрик-танловида фахрли 3-ўринни эгаллади.

Дилшод Тожиев изланувчан ижодкор, келажагини ўз қўли билан ярата оладиган иқтидорли ва истеъдодли талаба ҳисобланади. У нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда ҳам фаол қатнашиб, ғолиб бўлишига ишонамиз.

Шаҳзода ҚОДИРОВА,  
ТАТУ Урганч филиали  
1-босқич талабаси

HAYOT CHORRAHALARIDA

Кўлдош билан йўлдош тўн ёпишган дўст эди. Улар норгул йиғитлик даврида ҳам бир-бирига киприк ва кўз бўлиб яшашди. Бироқ, Кўлдош мансаб отига минди-ю, метиндай мустаҳкамланиб бораётган риштага тугун тушди. Соддадил йўлдош эса дўсти руҳиятидаги ўзгаришларга парво қилмади. Унга аввалгидек муносабатда бўлаверди.

Бир кун йўлдош раис туман ҳокимлигидаги йиғинда аччиқ гаплар эшитиб, тушкун кайфиятда уйига қайтди. Шу чоқ остонасида дўсти кўринди.

— Кўнгул яқинда ошна, кўнгул. Уйдалигингни билгандай келибман-а?!

Кучоқ очган ҳолда кулиб-яйраб келаётган йўлдошни хўмрайиб турган Кўлдош совуқ назар билан кўтиб олди.

— Тўри айтасан, кўзим учиб турган эди?..

Йўлдош бу гапни ҳазилга йўлди.

Улар бирин-кетин чорпоёга чиқишди. Хонсулв дастурхон ёзиб, чой келтирди.

— Топгани-тутганларингизни олиб келаверинг, келин. Раис ошна билан бир яйраб ўтирайлик.

Нимагадир Хонсулв ҳам миқ этмади. Бу ҳолдан йўлдош ўнгай-сизланса-да, сир бй бермади. Барибир тош ютгандай тановул қилгани ўзига билинди. Боз устига, ошга дуо қилиб, дўстидан руҳсат сўраганида Кўлдош қаршилиқ қилмади. Унинг дарҳол кузатишга шайланганидан ҳафсаласи пир бўлди. "Нахотки, энамнинг дўстим учун тиккан тўни эрта эскирган бўлса", деган гап озурда кўнглини янада ғаш қилди.

Йўлдошнинг хомушлиги Кумуш кўнглида гумон уйғотди: "Ёпирай, бу кишининг гап талашиб юрадиган одати йўқ эди. Нима бало, биров-ярим жаҳлини чиқарадиган сўз айтдимикан?" Бу орада кўшни қишлоқда яшайдиган қизи Шахрибону болалари билан келиб қолди. Ботиранининг боботов дегани йўлдошга яхши қўшиқдай ёқди. Неварасининг ачом-ачом қилишидан бахри-дили очилди. Қизи билан ахволлашди.

— Ҳаммаларинг чопқиллаб турибсизларми?

— Раҳмат, дада. Уйдагилар сўраётган эди.

— Худой сўрасин, ишқилиб, эсон-омон ўйнаб-кулиб турган бўлсаларинг бўлди. Менга бошқа давлат керак эмас.

Неваралар ташрифидан йўлдош доимо яшариб кетади. Бу гап ҳам эшитганларини унутиб, кўрганларини эсламасликка ҳаракат қилди. Кумушга юзланди:

— Кампир, сен ош дамлашга киришавер, мен неварам билан бирга (хонадонлардаги дўконларни қишлоқда шундай аташ расм бўлган)га бориб келаман, — деди.

Дўкон йўлида раис уни кўриб машинадан тушди. "Қилигидан пушаймон бўлибди-да, дўстим, кечирим сўрамоқчи шекилли", — деб ўйлади йўлдош. Бир зумда бу ҳаёли тушга айланди. Кўлдош аслида унга бир кун бўлса ҳам раис эканлигини, эркаланишларини йиғиштиришини айтгани тўхтаган экан. Дарёдиллиги тўй келди. Акс ҳолда, гўрзидай ботган гапдан йўлдош чўкиб қоларди.

Кўлдош тез орада давлатманд бўлиб кетди. Дарғиллама, қўшқаватли уй қурди. Гуриллатиб тўй берди. Машина олди. Еб қочадиган, эртага ҳолинг не деб сўрамайдиган лўтти-бозлар ҳамтовоғига айланди. Қишлоқда бирга ўсган дўстлар эса остона хатламай қўйишди. Бу

борада мансаб "от"и чопишдан толиқмади. Тумандаги катта идорага раҳбар бўлгач, энди унга "Кўлдош Расулович" деб муомала қила бошлашди. Ҳамду санолар гирдобидан қолган раҳбар бу дамлар вақтинчалигини ҳаёлга ҳам келтирмади.

Йўлдош эса у билан оилавий борди-келдини узиб қўя қолди. У замонага мос тадбиркорлик йўлини тутди. Топганини ўйлаб, эл-юрт манфаатини кўзлаб сарфлади. Қанди қишлоғида гузар қурди. Кичик корхона очиб, маҳалладошларини ишга олди. Даромаднинг бир бўлагини хайр-саховатга сарфлади.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳисобот-сайлов йиғилишида туман ҳокимлиги номидан Кўлдош Назиров ҳам қатнашди. Истиқлол йилларида баҳарилган хайрли ишлар алоҳида тилга олинди. Айниқса, Абсамад оқсоқолнинг гаплари ҳаммани хушёр

рийнинг:

Дўстни ўйлагин сен, ҳар не иш қилсанг,

Йўқса амалларинг зоедир билсанг.

— деган ҳикматли сўзини ёдга олади. Дарҳақиқат, орадан чорак аср ўтса ҳам собиқ синфдошлар аҳилигига дарз кетгани йўқ. Бунинг учун улар Бобораҳимдан миннатдор. Бошчи бўлиш масъулиятини сидқидилдан оқлаб келмоқда у.

Бугун ҳам маслаҳатлашгани дўстларни Хўжамқулнинг уйига тўплади. Гап нимадалиги аён бўлди. Кўп болали оила бошлиғи Нусрат бир йўла икки келин тушириш тараддуидида юрганини билдирди. Дўстлар уни бўлажак яхши кун билан табриклашди.

— Тўйдан хабар топдиларингиз, — деди Бобораҳим муддаога ўтаркан. — Энди гап ҳимматимизда.

Биласизлар, Нусрат

далада ишлайди.

Маоши кам,

оиласи эса катта.

Келинлар,

дўстимизга

қўлдан келганча

ёрдам берайлик.

Одатдагидек,

қадрдонлар яқдил

бўлишди. Боймир-

заевлар уйдаги

тўй кўнгидагидек ўтди. Уша кўнлари синфдошлар қўлни-қўлга бериб туришди. Биргаликда жуфтлашган невараларига бахт-иқбол тилашди.

...Тангриқулнинг тўсатдан бетоб бўлиб қолгани дўстларни ўйлантириб қўйди. Неча кун, неча ой ўтса ҳам дармонга кириши қийин бўлди.

Шифокорлар аниқ ташхис қўйишолмади. Шунда

Шердил ҳиммат камарини маҳкам боғлади. "Матиз"

русумли машинасида дўстини Бухорога олиб

жўнади. Тангриқулнинг

ёнида ўғли Умар борди. Улар тонг ёриша бошлаганда қўзланган манзилга етиб келишди. Шердил қўл телефонидида шифокор дўсти билан гаплашди.

Музаффар ёш бўлса ҳам анча тажрибали мутахассис экан. Аниқ ташхис қўйган, Шердилга юзланди:

— Энди, дўстим, Сурхондарёга қайтиш учун шошмайси. Насиб этса, тоға ҳафта ичида отдай чопиб кетади.

— Борингга шукр биродар. Айтганинг келсин. Дўстимнинг ёнида қанча тур десанг тураман. Соғайиб кетса бўлгани.

Дори-дармонларни ҳам Шердилнинг ўзи топиб келди. Тангриқул икки кун деганда қувватини анча тиклаб олди. Ҳафта ичида ўз сўягини ўзи кўтариб юрадиган бўлди. Шифокордан чиқиб, Баҳовуддин Нақшбандий Ҳазратларининг қутлуг қадамжоларини зиёрат қилди. Худди дунё кўргандай бўлди.

Уйга қайтгач, Шердилнинг олдида бир даста пул қўйди...

— Буни олинг дўстим, мен учун катта хизмат қилдингиз.

— Тангриқул, бу пулни олингда, эртага қўни-қўшиларга, биз дўстларга бир пиёла чой беринг. Дастурхонга Бухорои Шарифдан олиб келинган меваларни қўйинг. Билганга саломатлигини тиклаш ҳам тўй. Мен эса ҳаммасига розиман.

Ойсифат қувонганидан йиғлаб юборди.

— Йўлким, минг яшанг ака. Ошангиз учун шунча меҳнат қилибсиз, каттадан-катта раҳмат.

Шердил айтганидай эртаси кун Тангриқулнинг уйи гавжум бўлди. Дўстни ўйлаганлар базми-жамшид чоғи Шердилга биродарона алёрлар айтишди. Уларнинг дил сўзлари "Дўст бўлсанг ёнида тур" қўшиғига улашиб кетди.

Нортожи ЗИЁЕВ

NAZM GULSHANI

Зухро АЛИЕВА "Қува ҳаёти" газетасида бош муҳаррир бўлиб иш-лаш билан бирга бара-кали ижод ҳам қилиб келмоқда. Қуйида шоиранинг "Онам юрган кўчалар" китоби-дан ўрин олган бир жуфт шеърини ҳавола этамиз.

ҚЎШИҚ

Ул менга мозийдан  
беради хабар,  
Машраб бошин урган  
остоналардан.  
Гоҳ қаландар бўлдим,  
гоҳида сарвар,  
Ишқ-илохий деган  
мастоналардан.

Қошимда ўлтирар  
«мискин Хувайдо»,  
Балки у ҳам  
далли-демоналардан.  
Кўнглимда тоза нур, ишқ,  
меҳр пайдо,  
Таваккал қуйлаган  
афсоналардан.

Танграм, ўзинг асра  
кўҳна дунёни,  
Назму наволарга  
бегоналардан.

КЕТСАМ...

Кетсам, бу дунёга  
ортар нима ғам,  
Ерга тушиб кетмас  
колдуз ҳам, ой ҳам,  
Райҳонларим бир кун  
тутарлар мотам,  
Болам, деб қуйгани  
онам бормиди?

Бугун ҳам кечмоққа  
тайёр дўстларим,  
Байроқ қилиб яшар  
каму кўстларим,  
Кимга керак қаноти  
йўқ сўзларим,  
Эркалаб, суйгани  
онам бормиди?

Бир лаҳза кетмади  
дилдан армонлар,  
Ортимдан тош отиб  
юрар ёмонлар,  
Гуллаган боғимга  
тўлди хазонлар,  
Дардларим туйгани  
онам бормиди?

Йиғласам, қулганлар  
келтирди алам,  
Сирларим англади бир дўст,  
бир қалам,  
Зухрога тор бўлса бу кўҳна олам,  
Кафтига қуйгани онам бормиди?

Зухро АЛИЕВА



## SHIFOBAXSH NE'MATLAR



Кўп асрлар мобайнида қора седана уруғи ва ёғи миллионлаб кишилар томонидан тиббий мақсадда кенг қўлланиб келинган. У халқ табибатида ошқозон-ичак, юрак, кўз ва нафас йўлларида учрайдиган турли касалликларга, шунингдек, астма, бронхит, жигар-буйрак фаолиятининг бузилиши, бош, тиш оғриғи, шамоллаш, кўнгил айнишини даволашда ишлатилган.



## Қора седана

Бундан ташқари, қора седана соғлиқни тиклаш учун иммунитетни мустаҳкамлаш борасида энг кучли восита ҳисобланади. Асаб тизими касаллиги, турли хил ички яралар, гижжа, менструация бузилиши ва ҳатто ракка ҳам даво қилинади. Киши ҳеч нарсадан шикоят бўлмаганда ҳам кунига овқатдан сўнг 1 чойқошиқ қора седана истеъмол қилиб турса, организми бақувват бўлади, иммунитетни кучаяди.

1992 йилда Бангладеш тиббиёт университетининг департемент тадқиқотида қора седана энг кучли 5 хил антибиотик — ампициллин, тетрациклин, котримокзалол, гентамицин ва налидикс кислотаси билан солиштирилганда, қора седана ёғи кучли бактерияларга (хатто вабо ва хом гўшдан юқадиган микробларга) қарши энг таъсири кучли антибиотик бўлиб қиди. Қора седана ёғи она сутини ҳам кўпайтирар экан. Бу ёғ соч тўкилиши ва эрта оқаришининг ҳам олдини олади.

Куйида қора седана уруғи ва ёғининг айрим касалликлар учун қўлланиш рецепти билан таништирамиз.

**1. Астма ва йўталда.**  
Седана ёғига зайтун ёғи аралаштирилиб (1:5) кўкрак қафаси артиради. Бир ош қошиқ седана ёғи сувга солиб қайнатилади ва оғиз буғлана-

ди ёки чорак чойқошиқ қора седанани тил тагига солиб шимиб юрилади.

**2. Диарея (ич кетишида).**

Бир ошқошиқ седана ёғини 1 стакан қатик билан аралаштириб, 3 кун давомида кунига 2 маҳалдан ичилади.

**3. Бош оғриғида.**

Бир ошқошиқ майдаланган қора седанага 1 ошқошиқ анис уруғи, 1 ошқошиқ майдаланган гвоздика аралаштирилиб, ҳар овқатдан олдин 1 чойқошиқ оғизга олиб турилади ва ивиб қолгандан кейин ютилади, сув ичилмайди;

- 1,5 чойқошиқ седана ёғи кунига 2-3 маҳал ичилади;

- Бошининг оғриган жойи седана ёғи билан массаж қилинади, ширинлик ейилмади.

**4. Ревматизм ва бўғимлар оғриғида.**

Озгина седана ёғини зайтун ёғи билан аралаштириб, оғриган жойга сурилади. Ва ётишдан олдин асал қўшилган чойга бир неча томчи ёғидан томизиб ичилади. Оч қоринга 5 донча саримсоқпиез еб, бир соатдан кейин қорица ўтининг 1 стакан қайнатмасыга 5 томчи седана ёғи қўшиб ичилади. Суяк зиркираб оғриганда: пиез седана

ёғи аралаштирилиб озгина сувда димлаб пиширилади. Кунига 2 маҳал ейилади. Ёғи билан оғриган жой силанади.

**5. Кулоқ оғриғида.**

Озгина илтиқан седана ёғи томизилади.

Бир донча янги саримсоқпиез тишчасини 1 унция (28 грамм) седана ёғига 3 кун ивтиб кейин кулоққа томизилади ва атрофлари ҳам артиради.

**6. Йиқилганда.**

Лат еган жой седана ёғи билан артиради. Куйганда ҳам седана ёғи суриб қўйилади.

**7. Бавосилда.**

1:1 миқдорда седана ёғи билан зайтун ёғи аралаштирилиб, кунига 3 ошқошиқ 10 кун давомида узлуксиз ичиб борилади. Кассаланган жойга ҳам сурилади.

**8. Қон босими кўтарилиши.**

Қандай ичимлик ичса ҳам (кофе, чой, яхна ичимлик ёки сув) седана ёғидан бир неча томчи томизиб ичилади.

**9. Кўкрак қафасининг оғриғи (пневмония) ва шамоллаш.**

Бир литр сувга 1 ошқошиқ седана ёғи солиб оғиз буғланади ва терлаган ҳолда ўраниб ётилади.

Грипп: седана ёғи зайтун

ёғи билан аралаштирилиб, 3 маҳал бурунга томизиб турилади. Бурун бўшлиғи шамоллаганда ҳам шундай қилинади.

**10. Ҳарорат кўтарилиганда.**

Ялпиз, анис, петрушка ўтларидан тайёрланган чойга 7 томчи седана ёғи томизиб ичилади, бадан ёғ билан артиради.

**11. Хотира сустлиги ва ёдлаш қийинлигида.**

Ялпиз қайнатмасыни асал билан ширин қилиб, 7 томчи седана ёғи қўшиб хоҳлаган вақтида ичилади. Аччиқ чой ва кофе ичиш тақиқланади.

**12. Кўз оғриғида.**

Бир стакан сувда 1 ошқошиқ қора седана уруғи қайнатилади. Докадан сузилиб, тайёр суюқликда 2та пахтали тампонни қўлаб, кўз қовоқлари устига қўйиб 1 дақиқа ётилади.

Ёки кўз атрофи седана ёғи билан артиради.

**13. Тиш оғриғида.**

Седана уруғини эзиб, бир неча томчи зайтун ёғини паста ҳолига келгунча аралаштирилади ва оғриган тишга қўйилади;

- бир стакан олма уксусида 2 ошқошиқ қора седана қайнатилади, сузиб, бир неча кун тиш чайқалади;

- оғриган тиш седана ёғи билан артиради. Милк шамоллаганда уруғи олманинги ичига тикиб пиширилади ва сақич қилиб чайнаб юрилади.

**14. Соч тўкилишида.**

1:1 миқдорда седана ёғи билан зайтун ёғи аралаштирилиб 3 маҳал 10 кун ичилади ва шу ёғдан ҳафтасига 3 марта соч тўкилган жойга суриб 10 дақиқагача ювилмайди.

**Эслатма:** қора седана ҳомилдор ва эмизикли аёлларга, сунъий йўл билан қўйилган органлари бор (жигар, буйрак, юрак) беморларга мумкин эмас. Болаларга эса буюрилган меъернинг ярми берилди.



— Хўш айтдинг-чи, дўхтиржон, сизнинг бу доривор ўтларингиз бирор наф келтиряптими ўзи?

— Бўламас-чи! Яқинда ўғлимга дала ҳовли сотиб олдим, қизимга уй қураппман.



Йитит кўчада танишиб қолган хонимдан сўради:

— Кечирасиз, ёшингиз нечада?

— Аёл киши неча ёшдагидек қуринса

— ушанча ёшда бўлади.

— Бўлиши мумкин эмас... Одам бунчалик узоқ яшамайди.

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидирипсан?

— М-м-мен кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Бирров сўрасанг бўлмайдини?

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидирипсан?

— М-м-мен кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Бирров сўрасанг бўлмайдини?

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидирипсан?

— М-м-мен кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Бирров сўрасанг бўлмайдини?

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидирипсан?

— М-м-мен кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Бирров сўрасанг бўлмайдини?

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

— Эй, номард, чўнтагимдан нима қидирипсан?

— М-м-мен кечирасиз, гугурт олмоқчи эдим!

— Бирров сўрасанг бўлмайдини?

— Битта гугурт чўп учун сизни безовта қилгим келмади...

## АЖАВ DUNYO

### КЕКСА МИЖОЗ

Яқинда британиялик 102 ёшли пенсионер 25 йил давомида тўлаш шарт билан 200 минг фунт стерлинг миқдорида кредит олишга муваффақ бўлди.

Бу кредитни қария ҳар ой давомида 958 фунтдан тўлаб бориши лозим бўлади. Британиялик бу тadbirkor пуллари ўзи сотиб олган тураржой ижарачилардан оладиган маблагъ эвазига тўлаш ниятида. Қария ижара бизнеси билан шугулланишни режалаштирган.

Маълумотларга кўра, Буюк Британияда банклар талабларга жавоб берса, 75 ёшгача бўлган шахсларга кредит беради. Аммо кейинги пайтларда аксарият кредит ташкилотлари кредит олувчиларнинг ёшига чеклов қўймапти.



## ЭНГ ЯХШИ ИХТИРОЧИ АЁЛ

Халқаро ақлий қобилиятлар ташкилоти энг яхши аёл ихтирочи сифатида россиялик Марина Мягкована тан олди.

Ихтирочи аёл гиёҳванд моддалар миқдорини аниқлайдиган тест кашф этди. Москвадаги «Диадемика» фирмаси томонидан ихтиро этилган бу тест Женева-нинг 35-ихтиролар салоҳида намоиш этилди.

Россиялик ихтирочи эса тилла медал билан бир қаторда 2 минг доллар миқдоридаги мукофотга ҳам эга бўлди.

## ЯНГИЧА ЯШАШМОҚЧИ

Нью-Йорклик оилалардан бири антика синови бошларидан кечирши ниятида. Шаҳарнинг қоқ марказидаги Бешинчи авено мавзеида истиқомат қилувчи бу оила бир йил давомида «экологик тоза» ҳаёт кечирмоқчи.

Колин Бивал исм-шарифли ёзувчи ҳамда унинг рафиқаси Мишел Конлин электр. автомашина ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланмай яшаб кўрмоқчи. Улар истеъмол маҳсулотларининг энг экологик тозаларини танлаб, шаҳардан 400 км. узоқликдаги ҳудуддан олиб келишмоқчи.

Эндиликда бир қизалоғи бор бу оила телевизор музлаткич ва бошқа шу

каби техникаларсиз яшайди. Улар поезд, самолёт, машина ва ҳатто оддий лифтан ҳам фойдаланишмайди.

Транспорт сифатида фақат самолётни қўллашлари мумкин экан. Фақат битта ёмон томони, улар газдан фойдаланмаслигининг иложини қила олишмайди. Чунки, бу кўп қаватли бинода газсиз таом тайёрлашнинг сира ҳам иложи йўқ.

Тажриба натижаларидан келиб чиқиб, Колин Бивал китоб ёзади, бу ҳақда у ҳатто нашриёт билан ҳам келишиб қўйган. Техникасиз яшаш ҳақида ҳужжатли филм тушириш ҳам режада бор.



— Кеча мени шарманда қилдинг.

Ҳамманинг олдига аҳмоқ дединг!

— Кечирасан, мен бунинг сир эканлигини билмабман.

## ЭНДИ НАВБАТ АНДИЖОНГА

Тошкентда ўтказилган "Универсиада - 2007" ўйинлари талаба ёшларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Спортчилар тўрт кун давомида нафақат ўзаро беллашишди, балки кўплаб дўстлар орттиришди, маданий ҳордиқ чиқаришиб, катта таассуротлар билан қайтишди.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида жорий этилган куч босқичли спорт тизими аллақачон ўз меvasини бериб улгурди. Спорт ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан-янги спорт иншоотлари барпо этилиб, у ерда минглаб ўғил ва қизлар спорт билан мунтазам шугулланиб келишмоқда. Бундай ғамхўрликка жавобан ёшларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти. Бу йилги Универсиада ҳам талабаларнинг яратилган имкониятлардан унумли фойдаланганини кўрсатиб берди. Бахслар ниҳоятда мurosасиз курашларга бой бўлди. Қатнашчилар катта куч ва юксак маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақа давомида 212 олтин, 212 кумуш, 234 бронза медали учун курашда кўплаб рекордлар ўрнатилди, янги номлар кашф этилди.

Спорт байрамининг тантанали ёпилиш маросими "Ёшлик" спорт мажмуи стадионида ўтказилди. Куй ва қўшиқ садолари остида майдонга биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар чиқиб келишди. Ўйинлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Наманган, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти жамоаларига насиб этди.

Ҳолиларни тақдирлаш маросимида биринчи ўринни эгаллаган жамоага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Универсиада-2007" қатнашчиларига табриги ҳақиқий нусхаси, шунингдек, "Дамас" автомобили тақдим этилди. Наманган ва Самарқанд вилояти жамоаларига ҳам "Дамас" автомобили топширилди.

Турли номинациялар бўйича энг яхши деб топилган спортчилар ҳам қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Шундай қилиб, "Универсиада-2007" машъаласи ўчирилди. Универсиада байроғи туширилиб, Тошкент шаҳри жамоаси аъзолари уни навбатдаги меъдон — андижонликларга топширди. Ёшлик ва шижоат байрами нафаси юртимиз ўзга кезишда давом этади...

### "UNIVERSIADA-2007" G'OLIBLARI

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг 4-босқич талабаси Оксана ПОРУБАЙ Тошкент шаҳрида ўтказилган "Универсиада-2007" мусобақаларида фаол қатнашиб, фарғоналиклар шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Усузининг брасс усулида 50 метрлик масофа бўйича ўтказилган беллашувда кумуш медални кўлга киритган бўлса, ана шу усулда 200 метрлик масофа бўйича ўтказилган мусобақада бронза медалини олишга муvccсар бўлди.

Оксана оддий ишчи oilасида туғилиб, вояга етди. Отаси Виталий Андреевич кўп йиллар ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи, онаси Нина Степановна тумандаги "Промстроймонтаж" корхонасида бош ҳисобчи бўлиб ишлар, икки нафар фарзандлари тарбиясига алоҳида аҳамият беришарди.

Оксана спортнинг сузиш турига жажжи қизалоқлик пайтидан бошлаб астойдил қизиқди. 21-мактабда ўқиш билан бирга спорт тўғралакларига мунтазам қатнаб, сузиш бўйича малакасини ошириб борди. Мактабни имтиёзли тугатгач, Фарғона политехника институти энергетика факултетининг "Информатика ва ахборот технологиялари" йўналишига ҳужжат топширди. Синовлардан муvаффақиятли ўтиб, талаба бўлди.

Мен Оксананинг илк талабалик йилларини яхши эслайман. Дарс ва машғулотларга мунтазам қатнашиб, ҳар бир фаннинг талабларини атрофлила тушуниб етган ҳолда ўзлаш-



тиришга интилиш унинг одатларидан эди. Оксана талабалик ташвишлари билан ўралашиб қолмай, севимли спорт тури билан шугулланишни давом эттирди, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этди.

2005 йилда ТАТУ Фарғона филиали очилгач, Оксана ўқишни филиалда давом эттирди ва мана ҳозир битирув малакавий ишини муvаффақиятли ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

У Ўзбекистон алоқа ва ахборот-

## ОКСАНА — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБАСИ

лаштириш агентлиги таъсис этган стипендия соҳибаси. Жамоат ишларида фаол иштирок этади.

Оксана кўлга киритган марра — сўнггиси эмас, албатта. Олдинда ундан-да юксакроқ чўққилар турибди. Унда тўсиқларни писанд этмай, доимо олға интилишга кучли истак ва ирода етарли.

"Хушхабарнинг қаноти бор" дейишади. Оксананинг кўлга киритган галабаси билан табриклаш мақсадида филиал директори профессор Р.Тешабоев ва факултет декани доцент О.Отақулов унинг oilасига ташриф буюришиб, Виталий Андреевич ва Нина Степановнага гулдаста тақдим этишганда, уларнинг кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланди. Севимли фарзандлари эришган галаба оналарининг қалбларида чексиз гурур ҳисларини уйғотди.

ТАТУ Фарғона филиали жамоаси ҳам Оксана билан фахрланади ва унинг шахсий ҳаётида, ижодий ишларида муvаффақиятлар тилайди.

**Набижон СОЛИЕВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали  
доценти

"Наманган Телеком" филиали жамоаси филиал таъминот участкаси бошлиғи Озодбек Эгамовга волидаи муҳтарамаси  
**ЎҒИЛЖОН ҲОҶИ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлигида 0016 рақам билан  
рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган кўлёзма ва  
суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари  
тахририят фикридан фарқланиши  
мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда  
"Xabar" дан олинганлиги  
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —  
Реклама матнларининг тўрили-  
гига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг  
ҳаққонийлиги учун мақола  
муаллифи масъулдир.  
Газетани тайёрлашда Интернет ма-  
териалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Мавзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

553-Г сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табақ.  
Алали: 9411 нуска.

Газета тахририят компьютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.  
Саҳифаловчи: Аслидин БҲҲИЕВ.  
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚҲРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

## MULOHAZA



# АЛЛО,

## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ...



Қаҳрамонлар ёвуз кучларга рўбарў келганларида оғир вазиятдан самимий салом билан қутулиб кетишганини эрталардан яхши биламиз. Жаҳл отига миниб, айбдорни ер билан яксон қилиб ташлашга ҳозир бўлиб турган ҳар қандай одам очик чеҳра билан берилган саломни эшитиб, жаҳлидан тушиши ҳам ҳақиқат.

Икки нафар фарзанднинг онасиман. Улар олий ўқув юртларининг талабалари. Табиийки, дўстлари, дугоналари анчагина

ва улар болаларимни йўқлаб тез-тез кўнғироқ қилиб туришади. Баъзилари телефон гўшагини кўтаришим билан "Алло, ассалому алайкум", — дея чиройли салом бериб, аввало ҳол-аҳвол сўрайди ва сўнгра муддаога ўтади. Кўнғироқ қилувчининг бундай муомаласидан қалбимга илиқлик югради, кайфиятим кўтарилади. Шундай гузал тарбия учун ота-онасига раҳмат, дейман беҳитёр. Лекин шундайлар ҳам борки, гўшакни кўтаришингиз билан ҳе йўқ, бе йўқ "Фалончи борми?" дейди, шошиб-пишиб. Шундай пайларда ўзим салом бераман ва кимлигини, нима иши борлигини сўрайман. Саломлашишни ўргансин, дейман-да.

Дарвоқе, муомала маданияти, саломлашиш одоби ёшлар тарбиясининг эътибор талаб жихатларидан биридир. Айниқса, телефонда сўзлашувнинг ўзига хос қонун-қоидаларига

риоя қилмоқ лозим.

Бугунги кунда уяли телефонлар урф бўляпти. Бу ҳам техника ва технологиянинг юксак даражада ривожланаётганидан далолат — одамлар узогини яқин, мушкулени осон қилишда ёрдам берадиган катта имконият. Кўча-кўйда, жамоат транспортларида қўл телефонида гаплашаётганлар ҳар қадамда учрайди. Мазкур телефон эгалари уяли телефон фақат зарур гапларни гапириш учун бўлиб, унда узоқ гаплашиш саломатлиги учун катта зарар эканлигини билиб олишса ёмон бўлмасди. Қолаверса? бу борада ҳам муомала маданияти зарур. Телефонда хоҳлаб қулиш, ҳар хил бетайин гапларни гапириш атрофдагиларга салбий таъсир этишини, гашини келтиришини унутмаслик керак. Зеро, чиройли муомала, атрофдагиларга ҳурмат-эътибор, одамлар орасида об-рўга эришишнинг калитидир.

Гулбаҳор ХАЙДАРОВА,  
пенсияер

## ЯНГИ САЙЁРА



Бир гуруҳ европалик астрономлар томонидан Қуёш тизимидан ташқарида ҳаёт учун яроқли сайёра аниқланди.

Стефан Удри бошчилигидаги олимларнинг айтишларича, ушбу сайёра шартли равишда 581С номини олиб, у Глиз 581 юлдузи атрофида айланади. У ердан тахминан 20,5 ёруғлик йили ёки 193 триллион километр узоқликда жойлашган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сайёрадаги ҳарорат Ердагига яқин, яъни Цельсий бўйича 40 даражада бўлиб, унда суяқ ҳолатда сув ҳам бўлиши мумкин.

Янги сайёранинг вазни ердан 5 баравар оғир, диаметри эса бир ярим баравар ортиқ. Сайёранинг яна бир жиҳати — у ўз ўқи атрофида айланмайди.


Шу билан бирга, бу сайёра ҳақида ҳали кўп маълумотлар мавҳум бўлиб, уларга ҳозирча олимлар жавоб бера олмайдилар.

## ОБУНА — 2007

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Хабар»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.



Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

### ЭЪЛОН!

«Хабар» газетаси ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, турли хил эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали биноси, 3-қават.

Мурожаат учун телефонлар: 133-36-48, 136-36-42.

### WEB-ПУЛЛАР ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Ҳозирги кунда бутун дунёдаги савдонинг ярмидан кўпроги айнан интернет тармоғи орқали амалга ошади. Бу борада электрон тўлов тизимларининг ўрни бекиёсдир. Улар ичида энг кенг тарқалгани Webmoney Transfer ҳисоб тизими ҳисобланади. Ушбу тизимнинг Ўзбекистон сегментида ҳам очилиши аини муддао бўлди.

### FILATELISTLAR BURCHAGI

### 2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хорижий давлатлар раҳбарлари ва жамоат арбоблари билан бўлган учрашувларига бағишланган почта маркалари.



333. "Ислам Каримов ва Жак Ширак" почта маркаси. Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



334. "Ислам Каримов ва Жон Мейжор" почта маркаси. Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



335. "Ислам Каримов ва Саид Муҳаммад Ҳотамий" почта маркаси. Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



336. "Ислам Каримов ва Муҳаммад Ҳусни Муборак" почта маркаси. Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



337. "Ислам Каримов ва Карло Адзело Чампи" почта маркаси. Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Қашқадарё Телеком" филиали Чироқчи телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама электромеханиги **Холбиби СУЛТОНОВА**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

"Фарғона Телеком" филиалининг Сўх телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳамда Сўх телевидение-си, "Саҳри Сўх" газетаси ижодий ходимлари боғлама ходими **Асқарбек АНБАРЖОНОВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

